

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

ҚУРБОНОВ МУХИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР
МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»
(ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИДАН ТАШҚАРИ)**

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Ш.А.Тошматов**

Тошкент - 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I-БОБ: ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.	15
1.1. Давлат мақсадли жамғармаларнинг шаклланиши ва унинг назарий асослари ҳамда Давлат мақсадли жамғармаларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурати.....	15
1.2. Ўзбекистонда Давлат мақсадли жамғармаларнинг шаклланиш тарихи ва унинг ҳуқуқий асослари.....	26
1.3. Нодавлат мақсадли жамғармаларининг молиявий активларини бошқаришда молиявий рискларни бошқаришнинг асосий хусусиятлари.....	49
1.4. Давлат мақсадли жамғармалари бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш йўллари.....	58
<i>I боб бўйича хулосалар</i>	<i>73</i>
II-БОБ: ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	75
2.1. Бюджетдан ташқари маблағларнинг бюджетдан молиялаштириш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг амалдаги ҳолати.....	75
2.2. Хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш, мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ривожлантиришнинг амалдаги ҳолати.....	83
2.3. Мақсадли жамғармалар ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатлар йўналишларига инвестициялардан фойдаланишни амалдаги ҳолати.....	91
<i>II боб бўйича хулосалар</i>	<i>101</i>

III-BOB: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..	102
3.1. Молиявий саводхонлик Давлат мақсадли жамғармалар инвестицион фаолиятини ривожлантириш омили сифатида.....	102
3.2. Давлат мақсадли жамғармалар фаолиятини такомиллаштириш йўллари.....	113
<i>III боб бўйича хулосалар.....</i>	<i>124</i>
ХУЛОСА.....	125
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	128

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланган давлатларда аҳолисининг демографик ўзгариши, иқтисодиётнинг ривожланиши сари аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши натижасида уларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлиги ва меҳнат фаолияти билан банд бўлган аҳолига нисбатан нафақахўрлар улушининг юқорилиги давлат мақсадли жамғармаларидан самарали фойдаланишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Айрим тараққий этган мамлакатларда авлодлар бирдамлигига асосланган фондлар тизимидан жамғариб бориладиган нодавлат фондлар ташкил қилинганлиги ушбу мақсадли жамғармаларнинг самарадорлигини оширмоқда. Шунингдек, мақсадли жамғармалар молиявий даромадларини оширишда жамғарма маблағларининг инвестицион фаолиятини шакллантирилиши ва уларни самарали бошқариш механизмларининг яратилганлиги жамғармалар фаолиятига ижобий таъсир қилмоқда.

Ривожланаётган давлатларда мақсадли жамғармаларни бошқариш, молиявий ва инвестицион операцияларининг самарадорлигига қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур илмий тадқиқот ишларида мақсадли жамғармалар молиявий ресурсларининг самарадорлиги, кутилаётган рискларни баҳолаш ва бошқариш каби масалалар эмпирик таҳлиллар орқали очиб берилган. Бироқ, давлат мақсадли жамғармаларининг шакллари, турлари, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, жамғармалар бўш турган пул маблағларининг инвестицион фаолиятга йўналтирилиши, хусусан евробондлар харид қилиши ва ушбу операциялар рискин баҳолаш ҳамда мақсадли жамғармалар фаолиятининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти каби масалалар етарлича очиб берилмаган. Хусусан, давлат мақсадли жамғармалар шаклини кўпайтириш, солиқ тўловчилар учун уларнинг шаффофлиги таъминланлаш, давлат мақсадли жамғармаларга маҳаллий ва хорижий инвесторлар жалб этиш ҳамда ушбу жамғармалар даромад ва харажатларининг барқарорлигини таъминлаш каби

масалалар долзарблигини сақлаб қолмоқда. Буларнинг барчаси давлат мақсадли жамғармалар маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришни тақазо қилади.

Ўзбекистонда давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларининг фаолиятини кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш мамлакат ривожланишини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Республикамизда бевосита давлат мақсадли жамғармалари фаолияти билан тўғридан - тўғри боғлиқ бўлган қуйидаги асосий вазифалар санаб ўтилди. Хусусан, “Аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш, инсон капиталига эътиборни кучайтириш, хотин - қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб қувватлаш, иқтисодий ривожлантиришда турли инфратузилмаларни яхшилаш ва бошқалар”.¹ Бу эса ўз навбатида давлат мақсадли жамғармаларнинг мазмун-моҳияти ва вазифаларини чуқурроқ тадқиқ этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон² «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сон³ “Йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон⁴ “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 14

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2020 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. <https://nrm.uz/contentf?doc=487295>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон2 «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сон фармони

³ «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сон фармони

⁴ Йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон фармони

февралдаги ПҚ-2775-сон⁵ «2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сон⁶ «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон⁷ «Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2010 йил 11 августдаги ПҚ-1387-сон «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурс базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон⁸ «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорлари⁹ ва мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертацион тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни манавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.¹⁰

Муоммонинг ўрганилганлик даражаси. Мақсадли жамғармалар тизими соҳасида таниқли олимлардан А.Смит, М.Л.Кричевский, М.М.Алектораская, В.Девлин, В.А.Бруммитт, Д.Н.Ермаков, А.К.Солодов, В.М. Бончик, И.А.Юрьева,

5 “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2775-сон қарори
6 «2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сон қарори

7 «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон қарори

8 «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурс базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон қарори

9 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон⁹ «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорлари

10 <http://bfa.uz/view/27?lang=uz>

Р.О.Восканян, Т.С.Есаулкова, С.В.Бровчак, А.И.Федотов, С.Н.Орлов, А.П.Шеметов ва Н.Н.Масюклар илмий ишлар олиб борган.¹¹

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари кўплаб олим ва мутахассислар томонидан илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилмоқда. Тадқиқотлар ривожланган давлатларнинг демографик тузилиши ва меҳнат бозори билан боғлиқ масалалар, пенсия фондлари йиллар давомида катта сармоялар тўплашини аниқлаштириши, улар институционал инвесторлар сифатида фонд бозорларида муҳим рол ўйнаши тадқиқ этилган. Ривожланган мамлакатларда мақсадли жамғармаларнинг даромадлари, нафақат, бадаллар ва мажбурий тўловлар субсидиялардан шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятдан ҳам шаклланади.

Ҳозирда тақсимланувчи тамойил асосида ташкил этилган ижтимоий таъминот тизимини комбинациялаш эвазига унинг маблағлари профессионал инвестицион фаолиятда фойдаланилади, бироқ бу тизим мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб турличадир.

Ўзига мос инвестиция мақсади ва риск сиёсатига эга бўлмаган мақсадли жамғармалар одатда уни ўта даражада хатарли деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳам

5. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations, New York, Random House, 1937, Krichevskiy M.L. Finansovye riski.-M.: Izdatelstvo «KnoRus», 2012.-248 s., Alektoraskaya M.M. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. -2013.-23 марта, Devlin W., Brummitt B. A Few Sovereigns More: The Rise of Sovereign Wealth Funds. Economic Round-up (Spring 2007. - P. 119-136, Khmelevskaya S.A., Orlova I.U., Ermakov D.N. Analysis of investment activities of nonstate pension funds // International Journal of Civil Engineering and Technology. 2018. V.10. №11. P.2452-2459., Solodov A.K. Osnovi finansovogo risk-meneditementa. «MasterPrint», 2018. S.13-18., Bonchik V.M. Negosudarstvennye pensionnye fondy. Finansovaya ustoichivost i aktuarnye raschety [Non-state pension funds. Financial soundness and actuarial calculations]. Moscow, Dashkov&Co Publ., 2014. 208p, I.A. Yureva va Masyuk N.N. Sistema upravleniya riskami negosudarstvennix pensionnix fondov//. Ekonomika i upravleniye. 2016. T. 5. № 4(17). Yureva I.A. Sovershenstvovaniye sistemi upravleniya razmesheniyem sobstvennix sredstv negosudarstvennix pensionnix fondov // Azimut nauchnix issledovaniy: Ekonomika i upravleniye. 2015. №3 (12). S.98-100., Xmirov V.V. Upravleniye kreditnimi riskami i riskami likvidnosti v deyatel'nosti negosudarstvennix pensionnix fondov // Biznes v zakone. 2013. №3, Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration. 2018. T. 7. № 1(22), Esaulkova T. S. Risk Management for Investment / Placement of Pension Assets. In: Bulletin of Moscow Region State University. Series: Economics, 2020, no. 2, pp. 28–37., Brovchak S.V. Analiz riskov voznikayushix pri rabote negosudarstvennix pensionnix fondov [Elektronnyy resurs].-Rejim dostupa: <http://pension-npf.ru/index.php?src=233.html>., Masyuk N.N. Sistema upravleniya riskami negosudarstvennix pensionnix fondov//. Ekonomika i upravleniye. 2016. T. 5. № 4(17). Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // Труды ИСА РАН. 2008. № 38. – С. 168-173; Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // American review of public administration. 2014. № 1(44). – P. 92-111, Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации Монография. – Курган: КГУ, 2013. – С. 76-80.

инвестицион қайтим инвестицияга йўналтирилган маблағлар каби кам бўлади, бу эса активларни жойлаштириш жараёнини осонлаштиради.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан А.Вахабов ва Н.Мажидовнинг илмий тадқиқотларида жамғариб бориладиган жамғармалар тизимининг инвестицион фаолликка таъсири тадқиқ этилган ва уни ривожлантириш йўналишлари асослаб берилган, жамғармалар тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари асосида миллий жамғармалар тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф тавсиялар ишлаб чиқилган.¹²

Проф. Б.Умурзақов¹³ томонидан бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитида меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар берилган. жамғармалар тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси ва ундан амалиётида фойдаланиш имкониятлари проф. Р.Далимов¹⁴ томонидан асослаб берилган. Доц. Д.Рустамов томонидан пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ қилинган ва бу борада илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб ушбу асосларни ва таклифларни бошқа мақсадли жамғармаларни ривожлантиришда ҳам фойдаланиш катта самара беради.¹⁵

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Доц. Д.Рустамов¹⁶, Доц. Б.С.Маматов¹⁷ ва бошқалар томонидан мавзунинг айрим жихатларига доир, хусусан аксарият ҳолларда бюджетдан ташқари жамғармаларга доир тадқиқотлар

12 Вахабов А. ва Н.Мажидов Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Т.: Шарк. 2003. №7. -117 б

13Проф. Б.Умурзақов Организационно-правовые аспекты совершенствования системы пенсионного обеспечения Узбекистана, Республиканская научно-практическая конференция: «Узбекистан: Старшее поколение населения как достояние семьи и общества.» республиканский научно-практический центр "оида" 2015 21 ноябрь.

14 проф Р.Далимов и.о. профессора кафедры «управление бизнесом» национального университета узбекистана, д.э.н. о негосударственной системе пенсионного страхования в Республике Узбекистан

15 Доц. Д.Рустамов Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари

16 Доц. Д.Рустамов Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари

17 Доц. Б.С.Маматов тошкент молия институти бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини қандай ошириш мумкин journal of international finance and accounting. issue 1. february 2021. issn: 2181-1016

амалга оширилган халос, мамлакат миқёсида мақсадли жамғармаларнинг умумий яъни намунавий низоми ҳам шакиллантирилмаган.

Хар бир бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар хоҳ алоҳида далаат миқёсида шаклланган ёки бирор бир тузилма таркибида шаклланганлигидан қабтий назар улар хар томонлама мустақил, солиқ тўловчилар учун очик ва шаффоф бўлишлари шартлиги, ана шундагина бу жамғармаларни нафақат солиқ ва йиғимлар ҳисобидан балки маҳаллий ва халқаро миқёсда хомийлик маблағларини ҳам жалб қилишдек имкониятга эга бўлиши юзасидан тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса ўз навбатида мазкур мавзунини тадқиқ этиш зуруриятини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Банк-молия академиясининг ПЗ-20170929152-сон «Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш мақсадида глобал иқтисодий ва инновацион ривожлантириш индексларида иштирокини кенгайтиришни илмий-услубий тадқиқ қилиш» мавзусидаги устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармаларнинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-мақсадли жамғармаларнинг ҳуқуқий меъёрларга риоя қилинишини ўрганиш асосида муаммоларни аниқлаш;

-мақсадли жамғармаларнинг хориж тажрибасини ўрганиш орқали такомиллаштириш йўллари тадқиқ этиш;

-мақсадли жамғармаларнинг рискларни бошқариш ва ҳисобдорлик, тегишлича операцион назоратни кўзда тутадиган фондни бошқаришни ташкилий

шаффоф ва мустаҳкам структурасини қўллаб-қувватлашни ўрганиш асосида таҳлил қилиш;

-мақсадли жамғармалар нафақат иқтисодий ва молиявий рискни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, даромадлилик нуқтаи назаридан инвестиция киритишининг кафолатланишини ўрганиш асосида таҳлил қилиш;

-мақсадли жамғармалар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қўшимча маблағлар билан таъминлашни ўрганиш асосида таҳлил қилиш;

-мақсадли жамғармаларни аҳоли учун ижтимоий хизматларни кенгайтириш ва уларни молиялаштиришни ўрганиш асосида таҳлил қилиш;

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармаларининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети давлат мақсадли жамғармаларнинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланишда юзага келадиган иқтисодий-молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари диссертация ишида эксперт баҳолаш, индукция ва дидукция, анализ ва синтез, эконометрик ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

давлат мақсадли жамғармаларидан самарали фойдаланиш мақсадида бўш турган маблағларни Марказий банкнинг асосий ставкасидан кам бўлмаган миқдорда депозитга жойлаштириш таклиф этилган;

давлат бюджети маблағларини тежаш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларини концессия (хўжалик субъектлари ва чет эл капиталини жалб қилиш шакли) асосида ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

давлат мақсадли жамғармалардаги бўш турган молиявий ресурсларни инвестор сифатида маҳаллий ва хорижий фонд бозорларига йўналтириш орқали жамғармаларнинг инвестицион фаолиятини ташкиллаштириш таклиф этилган;

давлат мақсадли жамғармаларини шаклидан қатъий назар Сантьяго принциплари асосида шакллантирган ҳолда мустақил ҳамда солиқ тўловчилар учун даромад ва харажатларини очиқ, шаффоф бўлиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат мақсадли жамғармаларни хориж тажрибаси асосида шакллантириш ҳамда уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш таклиф этилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармаларни турли шаклларда ташкил этиш ҳамда уларнинг меъёрий ҳуқуқий асосини такомиллаштириш тавсия этилган.

мамлакатимизда давлат мақсадли жамғармаларининг айримларига резидент ва норезидент инвесторларни жалб этиш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш таклиф этилган.

мақсадли жамғармалар молиявий ресурсларини қисқа муддатли инвестицион операцияларга, хусусан фонд бозоридаги қимматли қоғозларга йўналтириш орқали қўшимча даромад манбаига эга бўлиши тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилаётган ёндашув ва методларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларни расмий манбалардан, хусусан, Молия вазирлиги, Давлат Статистика қўмитасидан олинганлиги, мақсадли жамғармаларга доир меъёрий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг эксперт баҳолари ва илмий натижаларидан фойдаланилганлиги, шу билан бирга тегишли хулоса ва таклифларнинг Молия вазирлигида амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда мақсадли жамғармалар механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистонда мақсадли жамғармалар маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш билан шуғулланувчи тузилмалар (Республика йўл жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси ва б.) фаолиятида унинг натижаларини қўллаш имконияти ташкил этади. Амалиётда муаллиф тавсияларидан мақсадли жамғармалар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

давлат мақсадли жамғармаларидан самарали фойдаланиш мақсадида бўш турган маблағларни Марказий банкнинг асосий ставкасидан кам бўлмаган миқдорда депозитга жойлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат мақсадли жамғармаларнинг намунавий низоми” лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида давлат мақсадли жамғармаларига (пенсия жамғармаси маблағларидан ташқари) 2703,9 млрд. сўм маблағ бўш маблағларни банк депозитларига 14 фоиздан жойлаштириш натижасида йилига 378.5 млрд. сўм қўшимча маблағ олиш имконини берган;

давлат бюджети маблағларини тежаш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларини концессия (хўжалик субъектлари ва чет эл капиталини жалб қилиш шакли) асосида ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат мақсадли жамғармаларнинг намунавий низоми” лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Натижада 1218,4 млрд сўм маблағ Давлат бюджетидан тежалиб маҳаллий ва хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобига шаклланишига эришилган;

давлат мақсадли жамғармалардаги бўш турган молиявий ресурсларни инвестор сифатида маҳаллий ва хорижий фонд бозорларига йўналтириш орқали жамғармаларнинг инвестицион фаолиятини ташкиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат мақсадли жамғармаларнинг намунавий низоми” лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида давлат мақсадли жамғармалари томонидан 1757,8 млрд. сўм миқдорда маҳаллий фонд бозорига инвестиция киритилиши мўлжалланган;

давлат мақсадли жамғармаларини шаклидан қатъий назар Сантьяго принциплари асосида шакллантирган ҳолда мустақил ҳамда солиқ тўловчилар учун даромад ва харажатларини очик, шаффоф бўлиши таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 майдаги 3299-сон “Бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларида маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомининг 3- ва 7-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида давлат мақсадли жамғармаларининг 31510,1 млрд. сўм даромадлари ҳамда 54196,1 млрд. сўм харажатлари ижроси тўғрисидаги маълумотлар ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 5 та Республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилди ҳамда тезислар нашр этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш, шу жумладан, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 4 та ва нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақолалар нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация асосий матнининг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

I-БОБ. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1 Давлат мақсадли жамғармаларнинг шаклланиши ва унинг назарий асослари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурати

Бугунги кунда мамлакатнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича тадбирлар асосий ўринга кўтарилмоқда. Бундай масалаларни ҳал қилишда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларининг ўрни бениҳоя салмоқли бўлмоқда. Давлат мақсадли фондлар марказий ёки маҳаллий ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли йўналтирилган молиявий воситалар йиғиндисини ифодалайди.

Давлатнинг мақсадли фондлари мақсадга мувофиқ равишда ишлатиладиган молия ресурсларидир. Ҳозирги вақтда давлат бюджети билан бирга давлат мақсадли фондларининг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Бундай фондлар сони ва ҳажмининг кўпайиши қатор сабаблар билан изоҳланади. Давлат мақсадли фондлари турли-туманлиги бюджет тизимининг бошқа бўғинлари ва мазкур жамғармалар билан алоқасини мураккаб кўп поғонали алоқаларини белгилайди.

Молиявий алоқаларнинг бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама турлари мавжуд. Давлат мақсадли фондларини ташкил этишнинг зарурияти аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кексалик, меҳнат қобилиятини ёки боқувчисини йўқотишдан суғурта тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб қувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа), аҳолининг айрим тоифаларига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб, имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлари шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқовқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътиллار), соғлиқни суғурта қилириш (тиббий суғурта, вақтинча меҳнат

қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи-ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказлари) орқали таъминланиб келмоқда.

Давлат ғазнасига ҳар-хил манбалардан ва турли воситалар (солиқлар, йиғимлар, божлар, мажбурий тўловлар) билан маблағ йғилади, бу маблағлар турли соҳа ва тармоқларни сақлаш учун сарфланади (масалан; таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, иқтисодиёт, давлат бошқаруви ва б.).

Бунда аниқ бир даромад тури маълум бир харажат турини қоплаш учун бириктирилмайди. Шу жihatдан давлат бюджети универсал пул жамғармаси ҳисобланади. Лекин амалдаги бюджет қонунчилиги маблағларнинг аниқ йўналишлари, харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича сарф этилишини талаб этади, ва бу айти тўғри талаблардан биридир.¹⁸

Бундай шароитда алоҳида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни аниқ манбалар ҳисобидан маблағ билан барқарор таъминлаб бориш зарурати пайдо бўлади, чунки иқтисодиётдаги кескинлик, нобарқарорлик ва уларнинг натижаси ўзаро, бюджетдаги етишмовчиликлар даврида айнан ушбу мақсадлар учун мулжалланган харажатларни камайтириш хавфи юзага келади. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим йўналишларини аниқлаб олиш ва маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш муҳимдир.

Мақсадли жамғармалар тизими соҳасидаги таниқли олимлардан В.Д.Роикнинг фикрича, меҳнат билан банд бўлган ҳар бир фуқаро пенсия фондига ижтимоий суғурта бадаллари тўлашлари лозим. Шунингдек, фондларнинг молиявий барқарорлигини оширишда нодавлат фондлар тизимининг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.¹⁹

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz.com/ru/jamiyat/byudjet-kodeksiga-ozgartishlar-kiritildi>.

¹⁹ Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся Молиявий саводхонликия мире: каким будет выбор России?—СПб: Питер, 2014.—С.177-236.

Л.В.Федоровнинг илмий тадқиқотларида авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган тақсимланувчи жамғармалар тизими давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертларсиз жамғармалар таъминотини амалга ошириш имконига эга эмаслиги қайд этилган. Халқаро тажрибалар асосида кўп даражали (давлат пенсиялари, жамғариб бориладиган пенсия ва хусусий пенсия фондлари) пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш тавсия этилган.²⁰

Молиявий операцияларни амалга оширишда рисклар мавжуд экан, уларни ўрганиш, назорат қилиш, баҳолаш ва бошқариш доимо муҳим бўлиб қолаверади. Рискларнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши муҳим роль ўйнайди. А.Смит риск ва фойда ўртасидаги ўзаро пропорционаллик тушунчасини оидинлаштиришга ҳаракат қилган.²¹

Пропорционаллик- бу фойда ва риск ўртасида жуда муҳим рол ўйновчи тушунчадир. А.Смитнинг ёзишича, «қонун бўйича рискли ҳолатлар юқори бўлган ҳолатда даромад кичик бўлади, ўз навбатида, кутилаётган даромад даражасини кўпайтириш учун назорат усулларининг салмоғи янада ортади».²²

А.К.Солодов (2018) ўз изланишларида молиявий рискларни, жамғармалар маблағларини шаклланиши ва сарфланишини, жамғармаларнинг молиявий маблағлари ҳажми, тузилиши ва провардида молиявий ҳолатини доимий ўзгартириши мумкин бўлган вазиятлар деб баҳолайди.²³

Унинг фикрича молиявий рисклар (хатар)лар қоида тариқасида, ташкилотнинг пул маблағлари - жамғарма фонди, захира фондлари, истеъмол фонди ва бўш пул қолдиқларини (тақсимланмаган фойда) ташкил этадиган пул оқимларини бошқариш билан боғлиқ омиллар ва қарорлар туфайли юзага келган.

²⁰ Федоров Л.В. Развитие систем пенсионного обеспечения: теория, концепции, социальная динамика, бюджетно-финансовое совершенствование. Монография. – М.: РГСУ. 2016. – С. 5-29.

²¹ Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations, New York, Random House. 1937

²² Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations, New York, Random House. 1937

²³ Solodov A.K. Osnovi finansovogo risk-meneditjmenta. «MasterPrint», 2018. S.13-18.

М.Л.Кричевский (2012) нинг фикрича молиявий рискларни бошқариш ўзига хос хусусиятларга эга. Макроиқтисодий беқарорлик турли мамлакатларнинг миллий бозор типигаги иқтисодиётларида ҳамда халқаро миқёсда асосан молия секторидаги жиддий камчиликларга асосланган. Бундай нуқсонларнинг оқибатлари ҳақиқатан ҳам катта ва улар иқтисодий ўсишни секинлашиши, самарасиз молиявий воситачилик ва аҳолининг молия бозорларига бўлган ишончини йўқ қилишда ифодаланади.²⁴

Нодавлат пенсия фондлари бошқа барча иқтисодий институтлар сингари, ўз фаолиятлари учун асосан ноаниқ ва хавфли бўлган ташқи муҳитда иш олиб боришларини таъкидлаш мумкин. Жамғарма учун ташқи ва ички омилларнинг таъсиридан келиб чиққан нодавлат мақсадли жамғарма хавфини пенсия мажбуриятларини тўламаслик эҳтимоли сифатида изоҳлаш мумкин.

И.А.Юрєва ва Н.Н.Масюк (2013) ларни фикрича молиявий хатарлар-бу бозорнинг ноқулай шароитлари ёки эмитент (қарздор) ҳолатининг ёмонлашиши, жамғармаларнинг активлари қийматининг пасайишига олиб келадиган бошқа салбий ҳодисанинг келиб чиқиши натижасида жамғарма маблағларининг бир қисмини қисмини йўқотиш эҳтимолини аниқлатади.²⁵

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан Доц. Д.Рустамов томонидан пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ қилинган ва бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб ушбу асосларни ва таклифларни бошқа мақсадли жамғармаларни ривожлантиришда ҳам фойдаланиш катта самара беради.²⁶

²⁴ Krichevskiy M.L. Finansovye riski.-M.: Izdatelstvo «KnoRus», 2012.-248 s.

²⁵ Yureva I.A. va Masyuk N.N. Sistema upravleniya riskami negosuda-rstvennix pensionnix fondov//. Ekonomika i upravleniye. 2016. T. 5. № 4(17). Yureva I.A. Sovershenstvovaniye sistemi upravleniya razmesheniyem sobstvennix sredstv negosudarstvennix pensionnix fondov // Azimut nauchnix issledovaniy: Ekonomika i upravleniye. 2015. №3(12). S.98-100.

²⁶ Доц. Д.Рустамов Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари

Тадқиқотлардан маълумки, давлат бюджети давлатнинг зиммасидаги вазифаларни бажарилиши учун молиявий таъминлаш воситаси сифатида шаклланиб келган.

Доц. И.Алимов “Барча мамлакатларда давлат бюджети тузилмаси ва бюджет тизими мавжуд, бюджет тузилмаси мазкур давлатнинг сиёсий-маъмурий тузилмасига асосан шакллантирилган.²⁷ Бюджети тузилмаси моҳиятига кўра, давлат бюджетини тузиш тамойилларини, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартиби, бюджет даромадларини шакллантириш, унинг харажатларини амалга ошириш тамойилларини ташкиллаштиришни ифодалайди”²⁸ деб таъкидлаб ўтади.²⁹

Бизнинг фикримизча ҳар бир бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ҳоҳ алоҳида далаат миқёсида шаклланган ҳоҳ бирор бир тузилма таркибида шаклланганлигидан қатий назар улар ҳар томонлама мустақил, солиқ тўловчилар учун очиқ ва шаффоф бўлишлари шарт. Ана шундагина бу жамғармаларни нафақт солиқ ва йиғимлар ҳисобидан балки маҳаллий ва халқаро миқёсда хомийлик маблағларини ҳам жалб қилишдек имкониятга эга бўламиз.

Ушбу йўналишдан пенсия жамғармаси бўйича кўплаб илмий ишлар ва таҳлиллар амалга оширилган ва таърифланган бўлсада қолган бюджетдан ташқари жамғармаларга деярли эътибор берилмаган.

Мақсадли жамғармалар фаолияти самарадорлигини кўрсатувчи мезонлардан бири фондлар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни жуда кўп иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишларида баён қилганлар. Булардан Россиялик иқтисодчи К.Пупынин ўзининг илмий изланишларида, мақсадли жамғармалар фаолиятининг шаффофлик масаласини биринчи ўринга

27 Доц.Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10

28 Доц.Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10

29 Доц.Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10

кўтариб, фонд фаолияти шаффофлигини таъминламаслик фонд ривожланишига тўсиқ бўлувчи муаммо сифатида эътироф этган.³⁰

Яна бир Россиялик иқтисодчи Е.Васин мақсадли жамғармалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини 7 та гуруҳга ажратган ҳолда мақсадли жамғармалар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни асосий мезон сифатида қайд этиб ўтган.³¹ Халқаро валюта фонди томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан мақсадли жамғармалар фаолиятини максимал шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб Сантьяго принциплари ишлаб чиқилган.³² Бунга кўра шаффофлик принциплари бу - ривожланган мамлакатлар ва бозор энди ривожланаётган мамлакатлар мақсадли жамғармаларининг фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминлайдиган комплексли асослар яратиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари натижасидир дея таъриф берган.³³

Суверен фондлари институти ходимлари Карл Линабург ва Майкл Мадуэлл мақсадли жамғармалар фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш учун Линабург - Мадуэлл транспарентлик индекси ишлаб чиқилган.³⁴

Шаффофлик принциплари бу-иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ва бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган мамлакатлар мақсадли жамғармалари бошқарувчиларининг фондлар фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминлайдиган ҳаракатлари натижасидир.³⁵

³⁰ Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс.кан. экон.наук. москва, 24 с. (Pupynin K.N. (2011) Application of foreign experience of functioning of sovereign investment funds for the Reserve Fund and the National Welfare Fund of the Russian Federation. Abstract of thesis.dissertation.economic sciences.Moscow, 24 p.)

³¹ Васин Е.А. (2015) Повышение эффективности управления суверенными фондами в Российской Федерации. Автореф. дисс. кан. экон.наук. Москва, 28 с. (Vasin E.A. (2015) Improving the efficiency of management of sovereign wealth funds in the Russian Federation. Abstract of thesis.diss.can.economic sciences. Moscow, 28 p.)

³² Суверен фондлар институтининг расмий сайти.–Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

³³ Суверен фондлар институтининг расмий сайти.–Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

³⁴ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

³⁵ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

Сантьяго принциплари мақсадли жамғармаларнинг мақсадлари ва инвестицион фаолиятни тегишлича акс эттирадиган умумэтироф этилган қоидалар ва амалиётни ифодалайди. Бу принциплар қуйидаги фундаментал позицияларга асосланади:³⁶

-рискларни бошқариш ва ҳисобдорлик, тегишлича операцион назоратни кўзда тутган фондни бошқаришни ташкилий шаффоф ва мустаҳкам структурасини қўллаб-қувватлашлар;

-мақсадли жамғармаларнинг инвестициялари амалга ошириладиган мамлакатларда очиб бериладиган ахборотни акс эттириш бўйича барча ҳуқуқий меъёрларга риоя қилинишини таъминлашлар;

-мақсадли жамғармалар нафақат иқтисодий ва молиявий рискни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, даромадлилик нуқтаи назаридан инвестиция киритишининг кафолатланиши юзасидан;

-глобал молия тизими барқарорлиги ҳамда инвестициялар ва капитал эркин оқимини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдан иборатдир.

Сантьяго принциплари 24 та принципни ўз ичига олади. Бу 24 та принципни шартли учта катта гуруҳга бўлишимиз мумкин:

-Фондларнинг ҳуқуқий асослари, мақсадлари ва молиявий маблағларининг мамлакат макроиқтисодий сиёсатларига мослиги;³⁷

-Фондларнинг институционал асослари ва бошқарув тузилишига тегишлилиги;³⁸

-Инвестиция ва рискларни бошқариш тизимига тегишлилиги.³⁹

Мақсадли жамғармаларга эга бўлган кўпгина давлатлар Сантьяго принципларининг 50 фоизини ҳам бажара олмайдилар. Бундай мақсадли

³⁶ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

³⁷ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

³⁸ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

³⁹ Суверен фондлар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

жамғармаларни яқин шарқ мамлакатлари, Осиё мамлакатлари, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда кўриш мумкин. Шу қаторда, мамлакатнинг бир қатор бошқа мақсадли жамғармаларнинг максимал шаффофлиги таъминланмаган мақсадли жамғармалар сирасига киради.

Бизнинг фикримизча Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бир қатор бошқа мақсадли жамғармаларнинг шаффофликни таъминланмаганлиги қуйидаги салбий жиҳатларга эга:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бир қатор бошқа мақсадли жамғармаларнинг консолидациялашган бюджет таркибининг бир қисми эканлиги, уларнинг фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобдорлиги йўқлигидан келиб чиқиб жамғарма маблағлари ҳам бюджет маблағларига тенг маблағлар ҳисобланганлигидадир. Бюджетда келтирилган очиқлик принципи талаблари жамғармалар фаолияти учун ҳам бирдек таалуқли ҳисобланиб, ушбу жамғармалар ташкил топганига 25-30 йил бўлишига қарамай бу принцип бажарилмаган;

2021 йил учун бюджет параметрларида ҳам 19 та жамғармалари, уларнинг даромад манбалари ва харажатлар миқдори белгилаб берилганлиги, мамлакат ЯИМ хажмига ва қолаверса давлат бюджетининг саломоқли хиссаси бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар улушига тўғри келмоқда.⁴⁰


Бюджетдан ташқари жамғармалар қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:⁴¹

иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қўшимча маблағлар билан таъминлашидан;

Давлат молия тизимининг муҳим буғини бўлган бюджетдан ташқари жамғармалар миллий даромадни аҳолининг маълум ижтимоий гуруҳлари фойдасига қайта тақсимлашнинг бир усулидир. (1-расм).

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг қонуни тошкент ш., 2020 йил 25 декабрь, ўрқ-657-сон 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида <https://lex.uz/docs/5186044>

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz.com/ru/jamiyat/byudjet-kodeksiga-ozgartishlar-kiritildi>.



1-расм. Мақсадли жамғармалар даромадларини қайта тақсимлашнинг усуллари.⁴²

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг таърифланиши Бюджетдан ташқари жамғармалар давлат молияси тизимининг таркибий бўғини бўлиш билан бирга, қуйидагилардан иборат, жумладан:⁴³

жамғармалар бошқаруви органлари томонидан режалаштирилади ҳамда қатъий мақсадларга ишлатилиши;⁴⁴

жамғармалар маблағларидан жамғармалар мақсадларидан ташқари давлат харажатларини қоплаш учун фойдаланилиши;⁴⁵

асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий ва ихтиёрий ажратмалари асосида шакллантирилиши ва булар ҳам доимий эмаслиги;

жамғармаларга суғурта бадалларини тўлаш ва бу борадаги ўзаро муносабатлар солиқ характериға эга, яъни бадалларнинг миқдори ва суғурта

⁴² Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс.кан. экон.наук. москва, 24 с. (Pupynin K.N. (2011) Application of foreign experience of functioning of sovereign investment funds for the Reserve Fund and the National Welfare Fund of the Russian Federation. Abstract of thesis. dissertation.economic sciences. Moscow, 24 p.)

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг қонуни тошкент ш., 2020 йил 25 декабрь, ўрқ-657-сон 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида <https://lex.uz/docs/5186044>

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг қонуни тошкент ш., 2020 йил 25 декабрь, ўрқ-657-сон 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида <https://lex.uz/docs/5186044>

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг қонуни тошкент ш., 2020 йил 25 декабрь, ўрқ-657-сон 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида <https://lex.uz/docs/5186044>

тарифлари давлат (Молия вазирлиги) томонидан белгилаб қўйилади ҳамда барча тўловчилар учун мажбурий ҳисобланади;

Бюджетдан ташқари жамғармалар - ҳукумат томонидан жамоат эҳтиёжларини молиялаштириш учун мустақил асосида молиявий ресурслардан қатъий мақсадли фойдаланиш туридир.⁴⁶

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари жамият тараққиёти, ижтимоий - иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларнинг кенгайиши жамият аъзоларининг кенгайиб бораётган турли хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жамғармаларнинг шаклланиши ва ривожланишига тўртки бўлди. Жамғармаларни қуйидаги хусусиятлар буйича таснифлаш мумкин(2-расм).



2- расм. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг таснифланиши.⁴⁷

1. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг дастлабки тузилишига кўра:

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz.com/ru/jamiyat/byudjet-kodeksiga-ozgartishlar-kiritildi>.

⁴⁷ Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс.кан. экон.наук. москва, 24 с. (Pupynin K.N. (2011) Application of foreign experience of functioning of sovereign investment funds for the Reserve Fund and the National Welfare Fund of the Russian Federation. Abstract of thesis. Dissertation economic sciences. Moscow, 24 p.)

-мақсадли жамғармаларни ташкил қилиш учун давлат бюджетидан махсус ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан шаклланади;

жамғармаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан шаклланади (масалан, фуқароларнинг бадаллари, корхоналарнинг тўловлари, тадбиркорлик фаолиятидан даромадлари).

2. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг шакллантириш усулига кўра:

-махсус ўрнатилган солиқлар ва мажбурий ажратмалардан шаклланади;

-давлат бюджетидан ажратмалардан шаклланади;

-махсус ёки ихтиёрий заёмлар чиқариш йўли билан шаклланади;

3. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг амал қилиш муддатига кўра:

-доимий ва узоқ муддат амал қилувчи жамғармалардан (масалан, пенсия жамғармалари, ижтимоий суғурта жамғармалари, бу жамғармалар бажарадиган вазифалар нисбатан доимий характерга эга бўлади);

4. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг эгаллик қилиш ҳуқуқи ва мулквий жиҳатдан тегишлилигига кўра:

-давлатга тегишли жамғармалардан иборат;

-турли мақсадларда тузилган давлатлараро жамғармалардан иборат;

-халқаро жамғармалардан иборат.

5. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мақсад ва вазифаларига кўра:

-ижтимоий мақсадлардаги жамғармалардан (пенсия жамғармалари, бандлик жамғармалари, ногиронларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари) иборат;

-суғурта жамғармаларидан иборат (ижтимоий суғурта жамғармаси каби);

-идтисодий мақсадлардаги жамғармалардан иборат (масалан, Йўл жамғармаси, Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш,⁴⁸ Тикланиш ва тараққиёт жамғармалари);

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори тошкент ш., 2007 йил 31 октябрь, пқ-718-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида (1-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 17-сон, 223-модда)

-маълум бир илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш ва аниқ илмий натижаларга эришиш мақсадида тузилган жамғармалар;

6.Инвестицион жамғармалар;

-экологик мақсадлардаги миллий, халқаро ёки ҳудудий даражада ташкил этилган жамғармалардан иборат (масалан, “Экосан”⁴⁹, “Орол”⁵⁰);

-сиёсий жамғармалар-у ёки бу сиёсий кучларнинг манфаътини кўзлаб тузилиши мумкин.

7.Марказлашиш даражасига кўра:

-марказлашган жамғармалардан иборат (бундай жамғармалар одатда бутун мамлакат миқёсида махсус ҳукумат қарорлари билан тузилади ва умумжамият мақсадларида марказлашган тартибда ишлатилади);

-марказлашмаган жамғармалардан иборат (ҳудудий ёки маҳаллий даражада, ёхуд бирон тармоқ миқёсида тузилади ва чекланган манфаатларни кўзлайди, масалан, илмий-тадқиқот жамғармалари, инвестицион жамғармалар).

2020 йилдан амалга киритилган бюджет кодексининг 46-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркиби:⁵¹

-Давлат бюджети;⁵²

-Давлат мақсадли жамғармалар бюджетлари;⁵³

-Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари.⁵⁴

1.2. Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармаларнинг шаклланиш тарихи ва унинг ҳуқуқий асослари:

Ҳукуматнинг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори қабул қилинган ва ушбу қарорга асоан

49 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тошкент ш., 1994 йил 17 ноябрь 556-сон «экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тўғрисида <https://www.lex.uz/docs/810285>

50 <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/orolni-qutqarish-xalqaro-jamgarmasi-sammiti-boshlandi.html>

51 Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz>.

52 Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz>.

53 Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz>.

54 Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz>.

“Республика йўл жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” низоми қабул қилинган.⁵⁵(*ҳозирда ўз кучини йўқотган*)

Қарорга асоан йўл жамғармалари маблағлари қуйидаги манбалардан шаклланиши белгилаб қўйилган эди:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини тузатиш ва сақлашга маблағлар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан, шу жумладан хорижий инвестициялар жалб қилинган корхоналар ва ташкилотлар томонидан қуйидаги миқдорларда ажратилиши белгилаб берилган:⁵⁶

корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар томонидан ажратиладиган маблағлар маҳсулотлар сотиш (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда-1,5 % миқдорида белгиланган;⁵⁷

банклар (Марказий банкдан ташқари), суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), кимошди савдолари, казинолар, нусха кўчиришдан, видео ва аудиокассеталарни прокатга беришдан, пул ютуқли ўйин автоматларидан фойдаланишдан, лотерея ютуқлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишдан, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирлари ўтказилишидан даромад олувчи корхоналар томонидан ажратиладиган маблағлар даромаднинг -1,5 % миқдорида белгиланган;⁵⁸

автотранспорт корхоналари ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда -2,5 % миқдорида белгиланган;⁵⁹

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

сотиб олинган автотранспорт воситаларининг, мулкчилик шаклларида қатъи назар, харидорлари томонидан тўланадиган ушбу воситалар қийматидан йиғимлардан.⁶⁰

сотиб олинган енгил автомобиль нархидан-3 % белгиланган;

бошқа автотранспорт воситалари: юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар нархидан-20 % белгиланган;⁶¹

«Ўзавтойўл» концерни хўжалик субъектларини сотиб олишдан бюджетга тушадиган маблағлар умумий миқдоридан ажратмалар-50 % белгиланган;⁶²

ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш ҳажмидан ажратмалар-7 % белгиланган;⁶³

хорижда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларининг мамлакат ҳудудига кирганлиги учун тўловлар, битта юк ташувчи кирганлиги учун АҚШ долларида-400 АҚШ доллари миқдоридан;⁶⁴

тушумларнинг бошқа манбалари-лотереялар, заёмлар ва хайрия бадаллари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарималардан ташкил топиши белгилаб берилган.⁶⁵

қурилиш, қурилиш-монтаж, тузатиш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучи билан бажарилган ишлар ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда -1,5 % белгиланган.⁶⁶

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁶² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”и 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори

Давлат хусусий сектор ҳамкорлигининг йўл қурилиши соҳасидаги фаолиятига Д.Н.Акобированинг (2012) қарашлари шундаки, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг энг самарали усулларида бири давлат-хусусий сектор ҳамкорлигининг турли шакллари қўллашдир, бу эса пуллик йўлларни яратиш амалиёти бўлиб, бу кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган. Яъни, Испанияда 2,6 минг км йўллар пуллик бўлиб, у ердан ўтиш 8 еврони ташкил этади. Бунда, пуллик йўллар ҳукуматга тегишли бўлиб, конссеция шартномаси асосида хусусий секторга 25 йилдан 75 йилгача бўлган муддатга берилган. Францияда эса 7,9 минг км йўллар пуллик бўлиб, йўлдан ўтиш қиймати 7 еврони ташкил этади. Бунда, лойиҳани ҳукумат конссеция шартномаси асосида хусусий

²⁰⁴ Solodov A.K. Osnovi finansovogo risk-menedjmenta. «MasterPrint», 2018. S.13-18.

сектор билан биргаликда амалга оширади. Буюк Британияда шоссе М6 Toll узунлиги 43 км бўлган йўллар пуллик бўлиб, у ердан ўтиш 11 еврога ташкил этади.²⁰⁵

Бу йўл хусусий компания томонидан қурилган бўлиб, сақлаш ишлари ушбу компания томонидан амалга оширилади. Бунда, Британия ҳукумати билан 53 йилга шартнома қилинган. Шундай қилиб, давлат хусусий сектори ҳамкорлиги ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Россия давлатида амалиётига жорий қилинган. Бундан кўриниб турибдики, муаллиф йўл қурилиш соҳасида давлат хусусий сектори ҳамкорлигини пуллик йўлларни жорий этиш билан боғлаган.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам давлат хусусий шеркчилигида йўллар қурилишига эътибор берилса, йўллар четидаги (сервис) хизмат кўрсатиш объектлари хусусий шерикларга конссеция шартномаси асосида фойдаланиш учун берилса ушбу тадбиркорларни бу соҳага жалб қилишда бир дастак бўлар эди, ҳамда уларнинг қизиқишини ортишига сабаб бўлар эди.

Новак Е. В. (2017), ўз мақоласида давлат хусусий сектори ҳамкорлигини таҳлил этишда, уни ривожлаштириш учун ҳукумат ва хусусий сектор муносабатларни тартибга солиш хусусиятларини билиш учун умумий илмий методдан фойдаланиб, SWOT таҳлилини тузган. Умуман олганда худуднинг иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат хусусий сектори ҳамкорлиги бўйича инвесторларни жалб қилиш, ушбу соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ҳам давлат мулкига тегишли бўлган бошқарувни амалда қўллаш учун замонавий ечим йўлларини излаш зарурияти бўлган. Муаллиф давлат хусусий сектор ҳамкорлигида иш олиб борган олимларнинг фикрига ўз муносабатини билдирган.²⁰⁶

Яъни, давлат хусусий сектори ҳамкорлиги механизмларни

²⁰⁵ Ақобирова Д.Н. Инновационная стратегия / Д.Н. Ақобирова. - Т.: ТГЭУ, 2011. - 352 с.

²⁰⁶ Новак Е. В. Интеграция сметного ценообразования и бюджетирования в строительстве: автореферат ... к.э.н. – М.: Российский университет кооперации, 2011. – 25 с.

такмиллаштириш жараёнида худуднинг инвестицион иқлимини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечими, ҳамкорлар билан шартнома асосида келишиб олиш, худуднинг инфраструктурасини ривожлантириш инвестицияни жалб этиш каби фикрларга муаллиф томонидан ижобий муносабат билдирилган.

Бироқ, давлат хусусий сектори ҳамкорлигини қўллашда, бюджет ташкилотларининг қимматли қоғозларни жалб қилиш манбалари самарадорлигини ошириш жараёнига қўлланилишига қарши фикр билдиради.

Яъни, жараёнида қимматли қоғозлар манбалари, давлат хусусий сектори ҳамкорлигининг ривожланишига билвосита таъсир этган соҳасини ривожлантиришга ҳамда коммунал соҳани такомиллаштириш каби соҳаларга. Бунда, асосан ҳукумат доирасида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини қўллаш фақат автомобиль йўлларини қурилиши соҳасига қўлланилиши муҳим бўлган.

Бу йўналишда мамлакатимизда ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган, хусусан бирорта мақсадли жамғармалар нодавлат жамғармалар шаклида ташкил этилмаган, жамғармаларнинг қимматли қоғозларини шакллантириш ва уни ички ва ташқи бозорларга чиқариш юзасидан етарли ишлар амалга оширилмаган.

Муаллиф давлат хусусий сектори ҳамкорлигини турли давлатларда ҳар соҳаларга қўлланилаётганини баён этган ҳолда, уни Россия давлатининг худудларида қўлланилишини SWOT таҳлили асосида кўп, заиф, имкониятлари ва таҳдидларини кўриш мумкин.

Унинг кўп томонлари, хусусий фондларни жалб қилиш ва харажатларнинг тижоратлаштириш орқали бюджетга бўлган юкини камайтириш, лойихани амалга ошириш жараёнида юзага келган хатарни бир қисмини хусусий секторга ўтказиши сабабли ҳукумат субъектларининг рискларини камайтириш, ҳукумат органлари ва хусусий сектор вакиллари ўртасида муносабатларнинг ошкоралигини ошириш, тижорат рискларини оқилона тақсимлашдан иборат бўлиши шарт.

Дадил ислоҳотлар, креатив ёндашувлар, кутилмаган қарорлар ва шиддатли одимлар туфайли мамлакатнинг ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларимиз кескин кенгайиб, юртимизнинг дунё миқёсидаги ижобий имиджи шаклланди.

Халқаро молиявий ташкилотлар билан муносабатларни бошлаганидан буён молиявий ва кредит алоқаларини тўғридан-тўғри йўлга қўйишни кенгайтиришга, асосан молиявий барқарорликни таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, кичик ва хусусий бизнес субъектларини, турли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиши натижасида молиявий ташкилотлар ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилди.

Хорижий мамлакатларда мақсадли жамғармалар алоҳида ўрин тутди. Улар маблағлари хажми юқори бўлиб, масалан, Францияда махсус фондларнинг миқдори жихатидан мамлакатнинг давлат бюджетига яқин. Японияда давлат харажатларининг ярмидан кўпи ана шундай жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилса, Буюк Британияда бу кўрсаткич бюджетнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Албатта, бу фондларнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифалари мавжуд. Давлат бу фондларнинг маблағлари билан ишлаб чиқариш жараёнига аралашади, ташкилот ва муассасаларга кредитлар ва субсидиялар беради, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатади.²⁰⁷

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу йўналишда қонунлар нормативлар ишлаб чиқилган бўлсада деярли натижалар бермаган, бироқ мақсадли жамғармаларни нодавлат жамғармалар шаклида ташкил қилиниши, бу жамғармаларни Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси сингари бўш турган маблағларидан ташкилот ва муассасаларга кредитлар ҳамда субсидиялар шаклида берилиб фойдаланилса ҳам жамғармаларга бўлган ишонч ва даромад манбаи ошган бўлар эди.

Жумладан Қоралиев ва Яхшибоевлар (2006) ҳаммуаллифлигида ёзилган

²⁰⁷ Новак Е. В. Интеграция сметного ценообразования и бюджетирования в строительстве: автореферат ... к.э.н. – М.: Российский университет кооперации, 2011. – 25 с.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми” мавзусидаги монографияда кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни амалиётини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратишган.²⁰⁸

Афифа (2009) Қоҳира фонд биржасидаги 85 та компанияни тадқиқ қилган. Унда аудиторлик кечикишига кузатув кенгаши, ижрочи директорнинг вазифалари, аудиторлик қўмитасининг мавжудлиги, компания қўлами, саноат ва фойдалилик каби омиллар муҳим таъсир этишини тадқиқ қилди. Худди шундай эмпирик тадқиқот Буюк Британия, АҚШ, Испания, Африка мамлакатлари, Покистон, Малайзия, Бангладеш, Хитой, Австралия каби бир қанча мамлакатлар ўрганилган ва тадқиқот натижаларидан инвесторлар кенг фойдаланиб келган.²⁰⁹

Васильев ва Катярин (2009) фикрига кўра, “Лизинг”-Банк хизматларининг бир тури бўлиб, вақтинча фойдаланилмаётган ресурсларни инвестиция қилиш орқали юридик ёки жисмоний шахсга кўчар ва кўчмас мулк сифатида муайян бир даврга тадбиркорлик мақсадида, шартнома асосида фойдаланишга бериш тушунилади. Таҳлилий нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, лизинг ривожланаётган ҳар қандай давлат иқтисодиётида турлича кўринишда, турли хил шартларда ўз аксини топиб, ишлаб чиқаришда унумли қўлланилса, бозор иқтисодиётининг қолаверса тижорат банкларининг яна бир самарали инструментига айланиб боради. Бунинг учун албатта, молиявий ресурслар манбаи мавжуд бўлиши зарур.²¹⁰

Биринчи боб бўйича хулосалар:

1. Юқоридаги келтирилган таҳлиллардан шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, хорижий мамлакатларларда йўл жамғармалари бюджетдан алоҳида ташкил этилган, мақсадли характерга эга жамғарма бўлибижтимоий масалаларни

208 Қоралиев Т., Яхшибоев Ғ. (2006) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, - Б.98-99.

209 Afify, H. A. E. (2009). Determinants of audit report lag: Does implementing corporate governance have any impact? Empirical evidence from Egypt. *Journal of Applied Accounting Research*, 10(1), 56-86 p. Arens, A., Elder, R. &

²¹⁰ Васильев, Н. М. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства / Н.М. Васильев, С.Н. Катярин. — М.: «ДеКА», 2018. - 458 с.

молиявий ресурслардан фойдаланиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.²¹¹

2. Устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарнинг фаолиятига давлат органлари аралашувининг юқори даражадалиги, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, давлат иштирокидаги корхоналарнинг солиқ ва божхона, шу жумладан якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзларга ҳаддан ташқари боғлиқлиги;²¹²

3. Стратегик режалаштириш, валюта фонди-хатарларини таҳлил қилиш жараёнида ва бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг паст техник даражаси, кўплаб ихтисосликка кирмайдиган активлар мавжудлиги, молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган мақсадларга йўналтирилиши сабабли давлат иштирокидаги жамғармалар инвестициявий жозибадорлиги пастлиги;²¹³

4. Мамлакатимизда “Нодавлат мақсадли жамғарма”ларни шакллантириш ҳамда тегишли нормативларини ишлаб чиқилиши бўйича умуман ишлар амалга оширилмаган.²¹⁴

²¹¹ Қурбонов М.А. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларини шаклланиш ва харажатлар йўналишларини такомиллаштириш // International research and practice Conference Engineering & Technology. Egypt 2021. 35-36 б

²¹² Қурбонов М.А. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларини шаклланиш ва харажатлар йўналишларини такомиллаштириш // International research and practice Conference Engineering & Technology. Egypt 2021. 35-36 б

²¹³ Қурбонов М.А. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларини шаклланиш ва харажатлар йўналишларини такомиллаштириш // International research and practice Conference Engineering & Technology. Egypt 2021. 35-36 б

²¹⁴ Қурбонов М.А. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларини шаклланиш ва харажатлар йўналишларини такомиллаштириш // International research and practice Conference Engineering & Technology. Egypt 2021. 35-36 б

II-БОБ ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Бюджетдан ташқари маблағларнинг бюджетдан молиялаштириш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини амалдаги ҳолати

Давлат бюджетидан молиялаштиришда мамлакатлар турли усуллардан фойдаланиб маблағларни тақсимлашни амалга оширадilar. Бюджет харажатларини йўналтириш ва улардан мақсадли фойдаланиш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Таҷрибалардан маълумки, давлат бюджети давлатнинг зиммасидаги вазифаларни бажарилиши учун молиявий таъминлаш воситаси сифатида акс этиб келган.



Доц. И.Алимов “ҳар бир мамлакатда давлат бюджети тузилмаси ва бюджет тизими мавжуд бўлиб, бюджет тузилмаси мазкур давлатнинг сиёсий маъмурий тузилмасига асосан шакллантирилади. Давлат бюджети тузилмаси ўз моҳиятига кўра, давлат бюджетини тузиш тамойиллари, уни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартиби, бюджет даромадларини шакллантириш, унинг харажатларини амалга ошириш тамойилларини ташкил этишни ифодалайди” деб таъкидлаб ўтади.²¹⁵

Бизнинг фикримизча, бюджетдан молиялаштириш усуллариининг қандай бўлиши давлат зиммасидаги масалаларни ўзгартиришни тақозо қилиши керак эмас. Бюджетдан молиялаштириш усуллариининг фойдаланишдан кўзланган мақсадга эришиш учун самарали эканлигини ифода этиши шарт. Шу боисдан, давлат стратегик мақсадларига бюджет харажатларини уйғунлаштириши лозим бўлади. Бу эса, бюджет харажатларини амалга оширишда бозор иқтисодиёти тамойилларидан кенг фойдаланишни ўзида ифода этади.

Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлари, 2020 йил ижроси ва 2021-

²¹⁵ Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10

2022 йиллар учун мўлжаллар. Трлн.сўмда.(5-6 расм) ²¹⁶




5-6 расмлар. 2020 йил ижроси ва 2021-2022 йиллар учун мўлжаллар.

Қуйидаги таҳлиллардан кўриниб турибдики 2020-2022 йилларда режалаштирилган бюджет даромадлари ва харажатлари миқдори йилдан йилга ўсиб бориши, ҳамда даромадларнинг харажатлардан ошиб боришини кўриш мумкин.

давлат мақсадли жамғармаларининг параметрлари, 2020 йил ижроси ва

²¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган сенат томонидан 2019 йил 18 декабрда маъқулланган тошкент ш., 2019 йил 30 ноябрь, ўрқ-589-сон <https://lex.uz/docs/4635016>

2021-2022 йиллар учун мўлжаллари. Трлн сўм.(7-расм) ²¹⁷



7-расм. 2020 йил ижроси ва 2021-2022 йиллар учун мўлжаллари.

Қуйидаги таҳлиллардан кўриниб турибдики 2020-2022 йилларда режалаштирилган давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатлари миқдори йилдан йилга ўсиб бориши, ҳамда харажатларнинг даромадлардан ошиб бормоқда.

Бюджет харажатларига бозор муносабатларини татбиқ этишда қуйидаги элементларни юзага келиши билан изоҳлаш мумкин:

- бюджет сиёсатининг номарказлашуви;
- давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказилиши;
- давлат бюджетини режалаштиришнинг либераллашуви.

Ўз навбатида, бюджет сиёсатидаги фундаментал ўзгаришларнинг юзага келиши бюджет харажатларини режалаштириш услубларини ҳам такомиллаштиришга бўлган заруратни келтириб чиқаради. Бюджет сиёсатининг номарказлашуви - бу маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларига кўплаб молиявий қарорлар қабул қилишни тақдим этишни англади ва ҳозирда бизда кенг жорий этилмоқда.

²¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган сенат томонидан 2019 йил 18 декабрда маъқулланган тошкент ш., 2019 йил 30 ноябрь, ўрк-589-сон <https://lex.uz/docs/4635016>

Жумладан, М.Хайдаров бюджет молиявий мустақиллигига эътибор қаратади. Номарказлаштириш натижасида жамият хизматларини шундай ташкил ва тақдим этилиши назарда тутиладики, улар маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини тўлақонли қониқтиришни таъминлашлари керак, деб таъкидлайди.²¹⁸

Доц. А.Ли бюджетни режалаштириш тўғрисида ўзининг кўплаб илмий хулосаларини келтириб ўтади. Давлат бюджетининг роли даромадлар ва харажатларнинг бошқа барча баланслари, сметалар, молиявий режалар, шунингдек кредит ва касса режалари билан узвий боғланганлигини таъкидлаб ўтади.²¹⁹

Шунингдек, А.Линкольннинг “Давлатнинг қонуний мақсади-инсонлар жамияти учун зарур бўлган барча ишларни, уларни бир шахс сифатида ёки биргаликда умуман уддасидан чиқа олмайдиган ёки маромида бажара олмайдиган фаолиятни бажаришдан иборат” деган фикрини келтириб ўтади.²²⁰

А.Лининг фикридан давлатнинг қандай функцияларини унинг зиммасидан олиш мумкинлигини англаш мумкин. Демак, фуқаролар бизнес вакиллари мустақил равишда молиялаштиришни инкор этмайдиган йўналишларни давлат зиммасидан олиш мумкин. Буларга, таълимнинг айрим босқичлари, баъзи тиббий хизматлар ёки иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари кабиларни киритиш мумкин. Бизнингча, давлатнинг зиммасидаги ажралмас соҳаларда харажатларини бюджетдан молиялаштиришнинг либераллашуви юзага келиши лозим.²²¹

Сабаби, жаҳон тажрибасида ҳам бозор қонунларини бюджет сиёсатига татбиқ этилиши айнан молиялаштиришнинг эркинлаштирилиши билан акс этади.

Шу нуқтаи назардан, бюджетдан молиялаштиришнинг кенг фойдаланиладиган усулларини кўриб чиқишга ва уларни ўзаро таққослашга

²¹⁸ Хайдаров М.Т. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари//Иқтисод ва молия. –Т., 2017. - №6. – Б.21-30.

²¹⁹ Ли.А.Н, Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлат бюджетининг роли//Молиячи маълумотномаси журнали. – Т., 2016. - № 12(60). – Б.12-14.

²²⁰ Материал из Википедии — свободной энциклопедии Лінкольн (англ. Lincoln) — распространенное английское имя собственное, встречающееся как в качестве фамилии или имени, так и в качестве топонима:

²²¹ Ли.А.Н, Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлат бюджетининг роли//Молиячи маълумотномаси журнали. – Т., 2016. - № 12(60). – Б.12-14.

назарий жиҳатдан ёндашувларни амалга оширамиз. Умуман олганда, бюджет харажатларини режалаштиришнинг кўплаб назарий асослари мавжуд бўлиб, уларга нисбатан турлича ёндашувларни кўриш мумкин. Академик С.Гулямов, профессорлар Н.Жумаев, ва доц. М.Ташходжаевларнинг жамоавий монографиясида бюджетдан молиялаштиришнинг учта усулига тўхталиб ўтади.²²²

1. Бюджет-суғурта модели. Ушбу модель доирасида бюджет маблағлари, иш берувчилар, ишчиларнинг мақсадли тўловларини амалга ошириш орқали молиялаштирилади. Мазкур модель кенг тарқалган бўлиб, у Германия, Франция, Италия ва Швеция мамлакатларида амал қилади.

2. Бюджет модели. Асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Ушбу модель Буюк Британия ва шу каби мамлакатларда фойдаланилади.

3. Корхона модели. Бунда соғлиқни сақлаш муассасалари аҳолига тиббий хизматлар ихтиёрий суғурта фонди маблағлари ёки тўғридан-тўғри тўловлар ҳисобидан ўтказиб беради. Мазкур модель асосан АҚШда кенг тарқалган.

Ушбу моделларнинг бирортаси ҳам бизнинг мамлакатимизда қўлланилмайди ёки булардан фойдаланилмаяпти.

М.Хусаинов бюджетни режалаштиришда йўналишлари ўзаро таққослаш орқали маблағларни тақсимлаш методини таклиф этади.²²³ Унга кўра, бюджет сўровномаларини иерархик тарзда шакллантириш асосида устувор мақсадлар аниқланиши кўзда тутилади. Сўнгра мутахассис-экспертлар фикри асосида бюджетни молиялаштириш соҳалари ўзаро таққосланиб устунликка эга йўналишлар аниқланади. Фикримизча, юқорида келтирилган ёндашувларда бюджетдан молиялаштиришнинг таққослама ва хорижий моделларига эътибор қаратилган. Мазкур моделлар усулларга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, бир моделнинг ўзида бир неча методлардан фойдаланилиши мумкин.

222 Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., РаХорижий мамлакатларонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 342 б.

223 Хусаинов М. Маҳаллий бюджетларни кластерли таҳлил этиш//Иқтисодиёт ва таълим журнали. – Т.: ТДИУ, 2011 й. - №6. – Б. 117-120.

Бюджетлаштириш усуллари амалиётига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бюджетни режалаштириш усулининг бош омили 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори²²⁴ билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Мазкур ҳужжатга кўра, бюджет ташкилотлари молиялаштирилиши смета харажатлари асосида тўрт гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақиға қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар)га ажратилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

1-жадвал

Республика Йул жамғармасининг даромадлари млн.сўмда

	Курсаткичлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
		микдори	%	микдори	%	микдори	%	микдори	%	микдори	%
	Жами даромадлар	1902,3	100,0	2194,7	100,0	2407,4	100,0	2607,0	100,0	2940,6	100,0
1.	Йил бошига колдик	395,0	20,8	653,1	29,8	295,6	12,3	341,7	13,1	417,9	14,2
2.	Даромадлар	1507,3	79,2	1541,6	70,2	2111,8	87,7	2265,3	86,9	2522,7	85,8
2.1.	маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотиш хажмидан ажратмалар	1043,7	69,2	1090,1	70,7	1298,1	61,5	1206,4	53,3	1430,8	56,7
2.2.	Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари кийматидан ушбу воситаларни рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар	157,9	10,5	252,5	16,4	364,3	17,3	462,9	20,4	462,8	18,3
2.3.	Хорижий давлатларидан Ўзбекистан Республикаси ҳудудига кириб келган	35,2	2,3	43,9	2,8	47,1	2,0	40,6	1,8	42,1	1,7
2.4.	Халқаро молиявий институтларнинг займлари	249,2	16,5	127,5	8,3	332,2	15,7	490,0	21,6	528,8	21,0
2.5.	Бошқа тушумлар	8,4	0,6	8,6	0,6	46,1	2,2	65,4	2,9	58,3	2,3
2.6.	Валютанинг курсдаги фарқи	12,9	0,9	19,0	1,2	24,0	1,1	-	0,0	-	0,0

Манба: Республика йул жамғармасининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

²²⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги №-414 сон қарори тошкент ш., 1999 йил 3 сентябрь,

Қуйидаги таҳлиллардан кўриниб турибдики 2020-2022 йилларда режалаштирилган бюджет даромадлари ва харажатлари миқдори йилдан йилга ўсиб бориши, ҳамда даромадларнинг харажатлардан ошиб боришини кўриш мумкин.

Ўтказилган корреляцион таҳлил, жами даромадлар ва маҳсулотларни сотиш хажмидан ажратмалар ҳамда сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар ўртасида 95% ишончли корреляцион боғланиш борлигини кўрсатади (жадвал-2).

2-Жадвал

Республика Йул жамғармаси даромадларининг корреляцион таҳлил

	Var1	Var2	Var3	Var4	Var5	Var6	Var7
	1.0000	0.3206	0.9131	0.9489	0.4035	0.8399	0.8715
Var2	0.3206	1.0000	0.0198	0.5510	-0.1301	0.5211	0.6124
Var3	0.9131	0.0198	1.0000	0.8287	0.5005	0.7725	0.7931
Var4	0.9489	0.5510	0.8287	1.0000	0.4397	0.8570	0.9620
Var5	0.4035	-0.1301	0.5005	0.4397	1.0000	-0.0038	0.3120
Var6	0.8399	0.5211	0.7725	0.8570	-0.0038	1.0000	0.9256
Var7	0.8715	0.6124	0.7931	0.9620	0.3120	0.9256	1.0000

Бу жадвалда, var1- жами даромадлар; var2- даромадлар; var3- маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотиш хажмидан ажратмалар; var4- сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган; var5-хорижий давлатларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ёки транзит автотраспорт воситалари учун йиғим; var6 - халқаро молиявий институтларнинг займлари; var7-бошка тушумлар.

Корреляцион таҳлил натижаларидан фойдаланиб, бу ўзгарувчилар орасидаги регрессион боғланиш аниқланди. Бу боғланиш 2-жадвалда ва қуйидаги боғланиш кўринишида ҳосил бўлади:

$$Var1 = 1,0185 \cdot Var3 + 1,811 \cdot Var4 + 558,1332$$

Республика Йул жамғармаси даромадларининг ўзгарувчилар орасидаги регрессион боғланиш таҳлил


3-Жадвал

	b	Std.Err.	t(2)	p-value
Озод ҳад	558.1332		0.872789	0.474810
Var3	1.0185	0.277866	1.456390	0.282581
Var4	1.8110	0.277866	2.207878	0.157932

Тузилган моделнинг биз ўрганаётган Республика йўл жамғармаси даромадига таъсир қилувчи омиллар орасидаги боғланишни график усулида ҳам кўриш мумкин (расм-8).

Жами даромадларнинг берилган қийматлари ва модел ёрдамида олинган қийматлари орасидаги фарқ таҳлили

8-расм



8-расмдан кўриниб турибдики, жами даромадларнинг берилган қийматлари ва модел ёрдамида олинган қийматлари орасидаги фарқ жуда кичик бўлиб, модел биз ўрганаётган жараёни 95% аниқликда ҳисоблаб бераёпти.

Юқорида жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, var3 ва var4 ўзгарувчилар ўсишининг 1% га ошиши Республика йўл жамғармаси даромадларини ошишига олиб келган. Аммо, ўсиш кўлами жуда паст даражада бўлган. Махсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотиш ҳажмидан ажратмалар ўсиши (var3) 1% га ошиши Республика йўл жамғармаси даромадларини атиги 0.08% га оширган. Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида туланадиган йиғимлар суммасининг ўсиши (var4) 1% га ошиши эса Республика йўл жамғармаси даромадларини атиги 0.036% га оширган. Бунда регрессион таҳлилимининг R-квадрати 0.95 га тенг эканлиги ҳамда ҳар бир ўзгарув бўйича баҳоланган R-қийматларнинг кичкина эканлиги таҳлилимининг ишончлилиги даражасини юқори эканлигини англатади. Шунингдек, барча баҳоланган коэффициентлар учун ҳисобланган R-қийматлар 0.05 дан кичкина эканлиги коэффициентларнинг статистик аҳамияти юқори эканлигини билдиради.

Яъни жамғармаларнинг доимий ўз даромад манбаига эга эмаслиги ва фақатгина бюджетдан бериладиган трансфертлар ҳисобига шаклланиши ушбу жамғармаларнинг истиқболлини йўқлигини англатади.

2.2. Хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш, мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ривожлантиришнинг амалдаги ҳолати

Амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ҳисобланади. Мазкур масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида Республикада давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Бунинг учун бозор иқтисодиётига ўтиш модели талабларидан келиб чиққан ҳолда мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва шарт шароитларини акс эттирган ҳуқуқий асослар яратилган.

Уларнинг самарали фаолият юритишлари учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратиб берилган. Мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий шарт-шароитларидан бири, бу давлат мулки монополиясини йўқ қилиш ва рақобат муҳитини рағбатлантириш ҳисобланади.

1992-2016 йиллар мобайнида 81,5 мингта давлат корхоналари юридик шахс мақоми билан давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Мазкур корхоналарининг ярмидан кўпроғи (66.2%) «кичик хусусийлаштириш» даврида яъни, 1992-2016 йилларда хусусийлаштирилди. Ҳозирги кунга келиб, савдо, маиший хизмат, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш ва миллий иқтисодиётимизнинг қатор бошқа тармоқларидаги корхоналарнинг деярли барчаси давлат тасарруфидан чиқарилди. Саноатнинг ўзак тармоқларига алоқадор йирик корхоналарни алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда.²²⁵

Алоҳида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг бир хилда амалга оширилишига турлича таъсир қилди. Республика бўйича хусусийлаштирилган корхоналар улушининг 12,6% Фарғона водийси хиссасига, 10,7% Самарқанд ва 11,0% Тошкент вилоятлари хиссасига тўғри келмоқда. 1994 йилдан бошлаб хусусийлаштириш жараёнида саноат ҳамда ижтимоий соҳа корхоналарининг катта қисми тўпланган Тошкент шаҳри етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. 2002 ва 2016 йилларда жами хусусийлаштирилган корхоналарнинг 40%

²²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 16.01.2017 йил. Подробнее: https://www.norma.uz/muhim_voqealar/tanqidiy_tahlil_qatib-intizom_va_shahsiy_javobgarlik_-_har_bir_rahbar_faoliyatining_kundalik_qoidasi_bulishi_kerak

Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.²²⁶

Хусусийлаштириш жараёнинг бошланғич босқичида давлат корхоналари асосан ҳиссадорлик жамиятлари (ХЖ), маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) ва хусусий корхоналарнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига айлантирилди. Ташкил этилган кўпгина ҳиссадорлик жамиятларининг устав жамғармаларида давлат улуши сақлаб қолинди. Фақатгина 2015 йилдан бошлаб хусусийлаштирилгин корхоналарнинг сони мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Бундай ўсиш аввало республика иқтисодиётида хусусий сектор улушининг ошишига устуворлик берилиши билан асосланади. 2019 йилда иқтисодиётда хусусий сектор улуши ортиб давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг умумий салмоғида хусусий корхоналарнинг улуши 64,6%ни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 36,9% даражага ортди.²²⁷

Ҳиссадорлик давлат корхоналарини самарали ва кенг тарқалган шакли эканлигини чет эл тажрибаси кўрсатмоқда. Республикада бу жараён истеъмол бозорига хизмат кўрсатадиган, ҳамда саноатнинг ўзак тармоғига оид корхоналарга таъаллуқли эди. Бундай ҳолатда ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш нисбатан самарали ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳиссадорлик жамиятларини оммавий ташкил этиш 1994-1995 йилларда бошланди. Бу даврда 4000 та йирик ва ўрта давлат корхоналари ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ороқали хусусийлаштирилди.

Ҳозирги кунда ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятларининг 1200га яқини ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятлари сонининг қисқаришига г 2003 йилнинг 24 январдаги «Иқтисодиётида хусусий сектор улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 3202-сон

²²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 16.12.2016 йил
Подробнее: https://www.norma.uz/muhim_voqealar/uzbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisi_sga_murojaatnomasi

²²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 16.01.2017 йил Подробнее: https://www.norma.uz/muhim_voqealar/tanqidiy_tahlil_qatib-intizom_va_shahsiy_javobgarlik_-_har_bir_rahbar_faoliyatining_kundalik_qoidasi_bulishi_kerak

Фармонига²²⁸ мувофиқ хиссадорлик жамиятларининг устав жамғармаларини қайта ташкил этилганлиги сабаб бўлди.

Мазкур Фармонга мувофиқ устав жамғармаси 50 минг АҚШ долларидан кам бўлган хиссадорлик жамиятлари хиссадорларнинг ялпи йиғилиши қарори билан бошқа мулк шакллариغا, асосан Маъсулияти Чекланган Жамиятлар ҳамда хусусий корхоналарга айлантирилди.²²⁹

Хиссадорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарнинг мулкдорлари меҳнат жамоаси аъзолари, ташқи сармоядорлар, жумладан, чет эл сармоядорлари ҳамда давлат ҳисобланади. Шу билан бир қаторда кўпгина хиссадорлик жамиятларининг чет эл сармоядорларига сотиш учун мўлжалланган акциялари ҳозирча сотувга чиқарилмаган. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири уларнинг сармоявий жозибадор эмаслигидадир.

4-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида давлат корхоналарини хусусийлаштириш суръатлари²³⁰ (дона)

Йил	Жами хусусийлаштирилган	Уларнинг асосида нодавлат корхоналари ташкил этилган	Хиссадорлик жамиятлари сони	Хиссадорлик жамиятлари %	Хусусий корхоналар сони	Хусусий корхоналар %	Бошқа корхоналар сони	Бошқа корхоналар %
2010	9744	9744	2898	29.7	4892	50.2	1954	20.1
2011	8537	8537	1026	12	6036	70.7	1475	17.3
2012	1915	1915	1257	65.6	420	21.9	238	12.4
2013	1231	899	456	50.7	260	28.9	183	20.4
2014	451	266	110	41.4	103	38.7	53	19.9
2015	448	373	141	37.8	156	41.8	76	20.4
2016	374	372	152	40.9	103	27.7	117	31.5
2017	1449	1238	227	18.3	827	66.8	184	14.9
2018	1912	1800	223	12.4	1252	69.6	325	18.1
2019	1519	1452	75	5.2	981	67.6	396	27.3

²²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонитошкент ш., 2003 йил 24 январь, пф-3202-сон Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/170083>

²²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 16.01.2017 йил

²³⁰ ЎЗР давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари <https://davaktiv.uz/uz/news/mezhdunarodnyj-forum-transformatsiya-i-priyatizatsiya-gosudarstvennyh-predpriyatij-v-respublike-uzbekistane-novyj-etap-ekonomicheskikh-reform>

Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётнинг ўзак тармоқларига чет эл сармояларини жалб қилиш ҳисобига хусусийлаштиришнинг кенг қамровли дастури амалга оширилмоқда. Биргина 2019 йилда чет эл сармоядорларига 130 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағга тенг бўлган акциялар ва иншоотлар сотилиб, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп бўлди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига чет эл сармоядорларини жалб этиш учун қонуний-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий шарт шaroитлар яратилган.

Бу эса ўз навбатида мазкур муаммога янгича ёндошувни талаб этмоқда. Давлат мулкани хусусийлаштиришга чет эл сармоясини жалб қилишни янада такомиллаштишига сўнгги йилларда қабул қилинган ҳамда ҳукумат қарорлари ижобий таъсир қилди.

Натижада Республика фонд бозорида чет эл сармоядорлари ва сармоялари улуши сезиларли даражада ортди. Сармоялар биринчи навбатда тоғ-кон, озиқ-овқат, тўқимачилик, нефть-кимё ва пахтани қайта ишлаш тармоқларига ҳамда телекоммуникация соҳаларига йўналтирилмоқда.

2016 йилда бирламчи фонд бозорида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг кўп қисми (70,2%) чет эл сармоядорларига сотилди, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 42,7% кўп демакдир. Хорижий сармоядорлар билан тузилган шартномалар миқдори 7 баробар кўпайди. Хорижий сармоядорларга акциялар сотилган корхоналар сони худди шу даврда 1.8 баробар ортди. Улар орасида “Юктранс” АЖ, “Кўқон суперфосфат заводи” АЖ, “Тошмарег” АЖ, “Хоразм Автомобил Ишлаб Чиқариш Бирлашмаси” ОАЖ ва бошқалар бор. Хорижий сармоядорлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар қиймати 2015 йилга

²³¹ ЎзР давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари <https://davaktiv.uz/uz/news/mezhdunarodnyj-forum-transformatsija-i-privatizatsija-gosudarstvennyh-predpriyatij-v-respublike-uzbekistane-novyj-etap-ekonomicheskikh-reform>

нисбатан 1,4 баробар ортди.²³²

Давлат мулки хисобланган объектларни хусусийлаштириш тўлов характерига эга бўлганлиги, республика ва маҳаллий бюджетни тўлдиришнинг асосий манбаси бўлди дейиш мумкин. 2019 йилда мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар миқдори 2018 йилга нисбатан 1,3 баробар ортди. Умуман ўтган давр мобайнида хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг ўсиш суръатлари ижобий кўринишга эга бўлиб, 2019 йилда 2010-2013 йилларга нисбатан 288 фоизга ошди.²³³

Амалиётда ер участкаларининг ўзи эмас балки «фойдаланиш ҳуқуқи» сотилган. 2015-2019 йиллар мобайнида 55,5 минг та шахсий турар жой қурилиши учун умурбод мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан сотилиб, натижада давлат бюджетига 25,4 млрд сўм миқдорида маблағ туширилди. Ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши ҳамда тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг яратилиши охириги уч-тўрт йил ичида ер майдонларини сотишни жадаллаштирди: шахсий турар жой қурилиши учун 30 минг ер участкалари сотилиб 1,8 млрд сўм маблағ олинди. Ер участкаларини сотиш бўйича бир қатор вилоятлар етакчилик қилмоқдалар, жумладан, Наманган (15,8%), Самарқанд (10,5%). Ер участкаларини сотишдан тушган маблағлар бўйича эса Тошкент вилояти (6,2%) ва Тошкент шаҳри (5,0%) олдинги ўринда турибди.

²³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 16.01.2017 йил. Подробнее: https://www.norma.uz/muhim_voqealar/tanqidiy_tahlil_qatib-tartib-intizom_va_shahsiy_javobgarlik_-_har_bir_rahbar_faoliyatining_kundalik_qoidasi_bulishi_kerak

²³³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 16.01.2017 йил. Подробнее: https://www.norma.uz/muhim_voqealar/tanqidiy_tahlil_qatib-tartib-intizom_va_shahsiy_javobgarlik_-_har_bir_rahbar_faoliyatining_kundalik_qoidasi_bulishi_kerak

5-жадвал. Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг инвесторлар гуруҳлари бўйича сотилиши ҳажми таркиби (%да)

Инвесторлар гуруҳи	2016	2017	2018	2019
Жисмоний шахслар	7.6	2.4	5.2	2.6
Юридик шахслар – Ўз.Р. резидентлари	72.9	58.9	67.2	27.2
Хорижий инвесторлар	19.5	38.7	27.5	70.2
Жами	100	100	100	100


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Активларини Бошқариш Агентлиги маълумотлари²³⁴

Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар асосан иккита йўналиш бўйича тақсимланади: давлат ва маҳаллий бюджетларга (40%) ва Ҳукуматнинг алоҳида қарорларини бажариш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун (45,3%), бундан ташқари ишлаб чиқариш корхонасини ривожлантириш мақсадида.

Умуман олганда хусусийлаштириш жараёнларининг фискал характери сақланиб қолмоқда. Иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги замон талаби эса аксинча мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг инвестицион қайта қуриш характерига эга бўлишини ҳамда корхоналар фаолиятини соғломлаштиришга, ишлаб чиқариш суръатларини кўтаришга йўналтирилган бўлишини тақозо этади.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг янги молиявий-иқтисодий шароитларга мослашувининг қийинлиги бевосита давлат кўмагининг зарурлигини шарт қилиб қўяди.(9-расм)

²³⁴ ЎзР давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари <https://davaktiv.uz/uz/news/mezhdunarodnyj-forum-transformatsija-i-privatizatsija-gosudarstvennyh-predpriyatij-v-respublike-uzbekistane-novyj-etap-ekonomicheskix-reform>



9-расм. Давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида тушган маблағлар динамикаси (%)²³⁵

Энг асосий эътибор албатта давлат аҳамиятига молик бўлган йирик корхоналарга қаратилмоғи лозим. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки ҳозирги кунда хусусийлаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб қувватлаш бўйича ягона механизм ишлаб чиқилмаган, буни ўз навбатида мавжуд камчиликлардан ҳам кўриш мумкин.

Масалан, меъерий-ҳуқуқий ва молиявий соҳаларда, иккиламчи фонд бозори инфратузилмасининг ривожланмаганлиги. Хусусийлаштиришни қўллаб-қувватлаш жараёнларига мамлакат ҳудудида жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш тизимининг номукамаллиги салбий таъсир ўтказмоқда. Жумладан, хиссадорлар даромадларини солиққа тортиш механизмнинг номукамаллиги, фонд бозорида инвестицион воситачилар институтларининг ривожланмаганлиги ва бошқалар. Хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг асосий воситалари бўлиб, қайта тиклаш, молиявий соғломлаштириш, шу билан бирга хиссадорлик жамиятларида корпоратив

²³⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги маълумотлари <https://davaktiv.uz/uz/manage>


бошқарувини такомиллаштириш ҳисобланади.

2.3. Мақсадли жамғармалар ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатлар йўналишларига инвестициялардан фойдаланишни амалдаги ҳолати

Бюджет тузилмаси Республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақолпоғистон Республикаси, туман ва шаҳарлар бюджетлари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига бўлинади.

Давлат консолидациялашган бюджетини 100,0% деб олсак:

- Республика бюджетига – 28 %;
- маҳаллий бюджетларга – 40%;
- давлатнинг мақсадли жамғармаларига 32 % харажатлар тўғри келади.



10-расм. 2019 йилда Ривожланган давлатларда давлат мақсадли жамғармаларининг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланилиши.²³⁶

Японияда жуда кўп кредит жамғармалари бўлиб. Булардан молиявий корпорациялар фондлари ва махсус банклар жамғармалари (Япония экспорт ва импорт банклари, Япония ривожлантириш банклари, кишлоқ хўжалиги марказий кооператив банклари) ташкил этилган. Молиявий корпорациялар жамғармалари

²³⁶ 2020 йилги Мурожаатнома: Президентнинг маърузасидан асосий тезислар 2020 йил 24 январь
Подробнее: https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_muro-noma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar

бюджет маблағлари, шунингдек, бериладиган кредитлар фоизлари ҳисобига ташкил этилади. Бу жамғармалар инқирозга юз тутган корхоналарни молиялаштириш ёки бошқа кредит манбасига эга бўлмаган компанияларга молиявий ёрдам бериш мақсадида уларга чегирма фоизларда қарз ажратади.²³⁷

Кредит жамғармалари давлат жамғарма кассалари ва бошқа кредит ташкилотлари ихтиёридаги маблағлар бўлиб, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шартини қўйади. Бу жамғармалардан давлат буюртмалари бажарилади ва мамлакат бевосита ривожланади. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, ҳар қандай иқтисодиётда ҳам мақсадли жамғармаларнинг мавжудлиги шу давлатнинг барқарор тараққиёти мезонидир.²³⁸

Ҳозирги глобаллашув ва халқаро молиявий манбаларнинг маълум бир соҳаларда тўпланиш жараёнлари кучайиб бораётган шароитда халқаро бозорда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги муаммоси биринчи ўринга чиқмоқда.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий вазифаси молиявий манбаларни излашдан иборат. Молиявий ресурслар истеъмолчилар, яъни талабалар, тингловчилар ҳисобланади. Улар нафақат молиявий ресурс, балки яқиний истеъмолчи ҳамдир.

Японияда эса солиқ тушумларини қайта тақсимлашни амалга оширувчи ҳисобрақамлар мавжуд. Солиқ тушумларининг маълум қисми унинг ҳисобрақамида жамланиб, эҳтиёжларига кўра маҳаллий бюджетларга йўналтирилади. Унинг қайта тақсимланиши аҳоли сонига фарқлар ва ҳудудлар иқтисодиёти ривожланиш даражасига қараб белгиланади.

«Японияда давлатнинг махсус фондлари молия ресурсларини ташкил этишнинг шакли бўлиб, улар марказий ёки маҳаллий ҳукумат тасарруфида ва мақсадга қаратилган ҳолда бўлади. Бу фондларни ташкил этиш ва сарфлаш тартиби молия ҳукуки орқали аниқ ва қатъий белгиланади. Бюджетдан ташқари

²³⁷ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²³⁸ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

фондлар давлат мулки ҳисобланади ва белгиланганидан бошқа мақсадларга сарф қилиниши мумкин эмас.²³⁹

Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар марказлашган ягона пул фонди - бюджетдан анча аввал махсус фондлар ва ўзига хос ҳисобрақамлар кўринишида мавжуд бўлган. Давлат ўзининг фаолият доирасини кенгайтирилиши билан тобора янги харажатларга эҳтиёж сеза бошлайди. Уларни қоплаш учун маблағлар махсус фондларда тўпланди ва махсус мақсадларга қаратилади». Бу фондлар хажмининг кенгайишига бир қатор сабаблар мавжуд:²⁴⁰

- давлат органларида тадбиркорликнинг хужалик ҳаётига аралашини ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қушимча маблағлар пайдо бўлмоқда;²⁴¹

-бу фондлар бюджетдан мустақил ҳолда давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун мулжалланган;²⁴²

-бюджетдан ташқари фондлар маълум шароитларда, яъни актив қолдиққа эга бўлганда бюджет тақчиллигини қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлади.²⁴³

АҚШ да 2 та йирик фонд мавжуд. Улар «Миллий илмий фонд» ва «Бюро стандартларининг илмий фонди» дейилади.²⁴⁴

«Миллий илмий фонд» нинг маблағлари Федерал бюджетдан ажратилган маблағлар, саноат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар ҳисобига ва университет ва коллежларнинг ажратмалари ҳисобга шаклланади. Фонддан фундаменал тадқиқот дастурларини амалга ошириш, илмий изланишлар учун мукофотлар, илмий марказлар қурилиши учун, кадрлар тайёрлаш каби

²³⁹ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴⁰ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴¹ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴² А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴³ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴⁴ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

харажатлар;²⁴⁵

«Бюро стандартларининг илмий фонди»дан компанияларнинг тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиш, илмий изланишларни саноат ва кишлоқ хўжалигига етказиш учун молиялаштирилади.²⁴⁶

Капитал қўйилмалар ҳажми қарийб 30 фоизга ошиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30,5 фоизни ташкил этди. Мамлакат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан ижтимоий ва инфратузилма объектларида амалга оширилган қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари ҳажми 21,6 фоизга ўсиб, 11,9 трлн. сўмни ташкил қилади. 2018 йилда жами ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 3,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Янги қурилиш лойиҳалари учун 542,7 млн.доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Модернизация ва қайта таъмирлаш лойиҳалари учун эса 223,3 млн. доллар маблағ жалб қилиниши кўзда тутилган бўлиб, бу рақам жами молиялаштириш манбалари Ўзбекистан Республикасининг Инвестиция дастури - Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларидан иборат. Бошқа йўналишларда жами 252,3 миллион доллар қийматидаги лойиҳаларнинг 104,8 миллион долларлик қисми, яъни 41,5 фоизи ушбу фонд малағлари ҳисобига тўғри келди.²⁴⁷

Иқтисодиётнинг таянч тармоқлари ҳисобланган геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия, машинасозлик, электротехника ва авиация ҳамда қурилиш, инфраструктура объектлари янги қурилиш, модернизация ва қайта таъмирлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни

²⁴⁵ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴⁶ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴⁷ 2020 йилги Мурожаатнома: Президентнинг маърузасидан асосий тезислар 2020 йил 24 январь
Подробнее: https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_muro-oma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar

молиялаштириш ва амалга ошириш катта истиқболларни белгилаб берди.²⁴⁸

Бозор рақобати шароитида давлатлар ёки айрим минтақаларнинг нисбий афзалликлари инвесторларни юқори даромад олишга ундовчи асосий куч ҳисобланди. Шу боис инвесторлар ўз инвестицияларини биринчи навбатда нисбатан арзон хомашё, меҳнат, энергия, сув ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари мавжуд бўлган минтақа ёки ҳудудга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Бу бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ инвестиция киритади. Шу билан бир вақтда инвесторларни давлат ёки минтақада сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар таъсирида маълум бир даврда шаклланган макро-мезо ва микродаражадаги иқтисодий вазият ҳам қизиқтиради. Бундай вазият инвесторларга инвестиция киритиш учун танланаётган давлат (минтақа)да инвестиция хатарлари қай даражада эканлигини билдирди.

Шу нуқтаи назардан мамлакат минтақалари ва ҳудудларининг нисбий афзалликларини баҳолаш ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига инвестициялар киритиш ва уни оптимал жойлаштириш ечимларини топишга хизмат қилади.

Нисбий (қиёсий) афзалликлар-минтақанинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти, табиий хомашё, меҳнат ресурслари, экспорт ва инвестицион имкониятлари йиғиндиси ҳисобланади. Нисбий афзалликни ўзида намоён этувчи асосий тушунча-инвестицион муҳит жозибаторлигидир. Ушбу тушунчага илмий манбаларда турлича таърифлар берилган. Кўплаб тадқиқотчилар (Беркинов ва Хасанов, 2014)²⁴⁹

²⁴⁸ А.Қосимова, Х.Каримова Бюджетдан ташқари фондлар ўқув қўлланма. http://el.tfi.uz/images/Budjetdan_tashqari_fondlar_kirill_a8adc.pdf

²⁴⁹ Беркинов Б.Б., Хасанов К.Қ. (2014) Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион жозибаторлиги рейтинги (397 кб). // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. ТДИУ, № 2, 2014.

“инвестиция жозибаторлиги” инвестициялардан фойдаланиш самарасини баҳолаш, тўловга қобилиятлилик ва ликвидликни таҳлил қилиш, деб эътироф этади. Бошқа муаллифлар эса “инвестиция жозибаторлиги” атамаси негизда хусусий ва қарз капиталига тўловга қобилиятли талабни назарда тутган объектив белгилар, воситалар имкониятлар бирлиги ётади, деб таърифлайдилар.

Шуларни ҳисобга олиб, инвестиция жозибаторлигини даромад ва хатарлар нуқтаи назаридан баҳолаганда, бу хатарларнинг энг паст даражасида инвестиция киритишдан юзага келадиган даромад деб қараш мумкин.

Амалиётда инвестицион жозибаторликни баҳолашда инвестиция киритиш кўзда тутилаётган объектнинг ҳолати даромад даражасини оширувчи турли мезонлар орқали баҳоланади.

Бунда мамлакат, ҳудуд, иқтисодиёт тармоғи, корхонанинг инвестиция жозибаторлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда ҳисоблаш усуллари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ҳудудларининг ривожланиши ва улар инвестицион жозибаторлиги рейтингини баҳолашга ёндашувлар рейтинг натижаларида батафсил ўрганилган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат ривожига инвестициялар жалб этишнинг устувор йўналишлари белгиланган. Унда мамлакат ҳудудларининг табиий-иқтисодий салоҳияти ва бошқа инвестиция талаб этувчи объектлари тўғрисида маълумотлар давлатни инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Ушбу йўналишда зарур ахборотлар ҳукумат қарорлари (2002; 2004) билан инвесторлар эътиборига ҳавола этилган. Шу билан бир вақтда Гольшев ва Зокирова (2007) тадқиқотларида чет эл инвестицияларини киритиш зарур бўлган мамлакат ҳудудларининг табиий хомашё ва бошқа ресурсларининг таркиби ва уларни қайта ишлаш имкониятлари баҳоланган. Шуларни инобатга олганда, хорижий инвесторлар учун мамлакатда шаклланган сиёсий, ижтимоий ва институционал муҳитда ҳудудлар иқтисодий ривожланишига, уларнинг

салоҳиятига омиллар таъсирини баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги белгилаб берилган.²⁵⁰

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти минтақалардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этганлиги сабабли, унинг ҳар бир минтақаси ривожланишини таъминлаш мамлакатнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади. Шунини ҳисобга олиб, мустақиллик йилларида интақалари ва ҳудудларини барқарор ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Улар «Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастури»²⁵¹, «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини бошқариш чора-тадбирлари»,²⁵² «Навоий вилоятини индустриал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури»,²⁵³ «Наманган вилоятида кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш дастури»²⁵⁴. «Қўқон шаҳрининг архитектуравий қиёфаси ва шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш чоралари»²⁵⁵, «Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва унинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури»²⁵⁶, «Андижон вилоятини узоқ муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси» ва бошқалар.

²⁵⁰ Гольшев В.А, Закирова С.А. (2007) Ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти: Ўқув қуланма. - Т.: УМЭД, 142 б.

²⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тошкент ш., 2009 йил 11 февраль, 37-сон 2009-2010 йилларда навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида <https://lex.uz/docs/1438775>

²⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони тошкент ш., 2008 йил 2 декабрь, пф-4059-сон навоий вилоятида эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида <https://www.lex.uz/docs/1411630>

²⁵³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тошкент ш., 2020 йил 23 май, 323-сон 2020 — 2022 йилларда навоий вилоятининг зарафшон шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/4823495>

²⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори тошкент ш., 2009 йил 24 август, 246-сон 2009 — 2012 йилларда наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида <https://lex.uz/ru/docs/1517502>


²⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори тошкент ш., 2009 йил 15 декабрь, Пқ-1239-сон Қўқон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/1579035?query>

²⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори тошкент ш., 2009 йил 6 август, пқ-1170-сон наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида <https://lex.uz/docs/1527586>

Хорижий инвестицияларни минтақаларга жалб этишнинг нисбий афзалликлари ва хусусиятларини очиб бериш мақсадида аҳолиси деярли бир хил зичликда бўлган-Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини қиёсий таҳлилни амалга оширдик.

Мамлакатимизда кейинги йилларда эришилган иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари барча минтақалар учун ҳам ўзига хосдир. 2016 йилда мамлакат бўйича ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиш суръатлари 108,2 %ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Тошкент вилояти 110,2 фоизни, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида эса мос равишда 109,0-105,2 фоизни ташкил этди. Ялпи ички маҳсулот таркибида Тошкент вилоятининг улуши 2017 йилда 13,7 фоиз, 2018 йилда 14,7 фоизга тенг бўлган.²⁵⁷

Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги ривожланишнинг юқори кўрсаткичлари ҳамда таркибий ўзгаришлар ҳисобига юз берган. Сурхондарё вилоятида эса шу даврда, бу кўрсаткич 4,0 % дан 8,8 % га ўсган. Тошкент вилоятида ЯИМ нинг улуши 2018 йилда 9,6 фоизга тенг бўлган, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 0,7 фоизга ўсган холос (10-расм).



257 Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 23.12.2017 йил
<https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

11-расм. Иқтисодийнинг реал сектори тармоқларидаги ривожланиш ²⁵⁸

Мамлакатимизнинг деярли барча минтақаларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми ортиб борган. Агар вилоятларни Республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан индекслар бўйича 3 та гуруҳга, яъни юқори даражадаги индекси 1,000 дан катта бўлган; ўртача ривожланиш даражасидаги индекси 0,500 дан 1,000 гача бўлган ва паст даражада ривожланган, индекси 0,500 дан кам бўлган гуруҳларга бўлсак, у ҳолда Тошкент шаҳри I гуруҳга, Тошкент вилояти II гуруҳга, Сурхондарё вилояти III-гуруҳга киради. 2010–2012 йилларда Тошкент вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ индекси 1,127 дан 1,064 га ўзгарган. 2018 йил бу индекс Тошкент вилояти бўйича 1,216 ни ташкил этган.

Сурхондарё вилояти бу кўрсаткич бўйича III гуруҳга киради. Ушбу вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ индекси 2016-2018 йилларда 0,533 дан 0,505 га пасайган. Шу даврда Тошкент шаҳрида аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ЯИМ индекси 1,732 дан 1,879 гачани ташкил этган. 2005 йилда ушбу индекс 1,454 га тенг бўлди.

Минтақалар иқтисодий таркибида саноат ва хизмат кўрсатиш улуши ортиши томонга ижобий ўзгаришлар юз берганига қарамай, Сурхондарё вилоятида 2012 йилда қишлоқ хўжалигининг салмоғи катта бўлиб, қарийб 55 фоизни ташкил этган, ЯИМ да саноатнинг улуши 24,5 фоизга тенг бўлган. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари 2018 йил 2017 йилга нисбатан ушбу минтақаларда юқориликни кўриш мумкин.

258 Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан келиб чиқиб таҳлил қилинган 23.12.2017 йил <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

Республикамизнинг барча минтақаларида 2019-2020 йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлари кузатилди²⁵⁹
(шартли индекслар гурухи)

Минтақалар	Минтақаларнинг гурухланиши					
	1.000 ва ундан юқори		0.500 дан 1.000 гача		0.500 ва ундан кам	
	2019	2020	2019	2020	2019	2020
Тошкент в	2.62	2.701				
Самарқанда			1.608	1.381		
Сурхондарё					0.255	0.236

Мамлакатимизда 2020 йил бўйича ўртача 107,6 фоизни, Тошкентда 106,1 фоизни ташкил этди. Сурхондарё вилоятида эса бу кўрсаткич ўртача Республика кўрсаткичидан 2,3 фоизга паст даражада бўлди. Инвестициялар бўйича 2016-2020 йилларда барча минтақаларда ўсиш суръатлари кузатилди.²⁶⁰

Мамлакатимиз бўйича 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичнинг ўртача ўсиш суръати 111,6 фоизни ташкил этди. Шу даврда инвестицияларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент ва Бухоро вилоятларига тўғри келган, улар улушига Республика иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг қарийб 55 фоизи тўғри келади. Сурхондарё вилоятида ўтган 2010-2016 йилларда инвестицияларни жалб этиш нисбатан паст даражада бўлган ва ушбу кўрсаткичнинг фақат 2017-2019 йилларда 2011-2016 йилларга нисбатан ўсиш суръати 12,9 фоизни ташкил этган.²⁶¹

Ҳар бир кўрсаткичлари таққосланган ҳудудларнинг маълум бир табиий, меҳнат ва бошқа ресурслари бўйича устунлиги, улар ривожланишида ўз ифодасини топади ва бу ҳудуднинг нисбий афзаллиги, яъни инвестиция киритиш учун жозибали эканлигидан далолатдир. Ушбу омил инвестицияларни жалб этиш

²⁵⁹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан келиб чиқиб таҳлил қилинган 23.12.2017 йил <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

²⁶⁰ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан келиб чиқиб таҳлил қилинган 23.12.2017 йил <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

²⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 йил <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

орқали умумий иқтисодий ўсишга ўз улушини қўшади. Шуларни ҳисобга олиб хорижий сармоя эгаси ҳар бир ҳудудни нисбий афзалликларидан келиб чиқиб, ўз инвестицияларини жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилади.

Умуман олганда, хорижий инвесторлар ва корхона раҳбарларини нафақат минтақада рақобатбардош стратегик хомашёнинг мавжудлиги; географик жойлашуви; ишчи кучи ва транспорт харажатлари намоён бўлади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар:

1. Асосий даромад манбаига эга бўлган жамғармаларнинг таҳлилида ушбу жамғармаларнинг доимий равишда, тез тез ўзгартирилиши, тизимларни қайта ташкил этилиши, Молия Вазирлиги томонидан жамғармаларга тўланадиган ажратмаларни тез тез ўзгартирилиши ушбу жамғармаларнинг даромадларини бир меёрда бўлишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу жамғармалар олдига қўйилган вазифаларни бажаришда молиявий муаммоларга олиб келаётганлиги ҳамда бунинг натижасида ушбу харажатлар бюджет маблағлари ҳисобига қопланаётганлигини кўриш мумкин.²⁶²

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган йиғимлар молия вазирлиги манаполяси очиқча белгилаб берилган.²⁶³

3. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида ишлар тизимли ташкил этилмаган, молия вазирлиги томонидан жамғармаларнинг намунавий низоми ишлаб чиқилмаган²⁶⁴

²⁶² Kurbanov M.A. Issues to enhance financial literacy on extrabudgetary targeted funds // (IJMT) ISSN: 2249-2496, International Journal of Research in Social Sciences, Volume 10, Issue 08 (August 2020). P.165-173. (№5; Global Impact Factor. 0.564)

²⁶³ Kurbanov M.A. Issues to enhance financial literacy on extrabudgetary targeted funds // (IJMT) ISSN: 2249-2496, International Journal of Research in Social Sciences, Volume 10, Issue 08 (August 2020). P.165-173. (№5; Global Impact Factor. 0.564)

²⁶⁴ Kurbanov M.A. Issues to enhance financial literacy on extrabudgetary targeted funds // (IJMT) ISSN: 2249-2496, International Journal of Research in Social Sciences, Volume 10, Issue 08 (August 2020). P.165-173. (№5; Global Impact Factor. 0.564)

III-BOB ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА Фойдаланиш амалиётини яънада такомиллаштириш Йўллари

3.1. Молиявий саводхонлик бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар инвестицион фаолиятини ривожлантириш омили сифатида

“Иқтисодийнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг ошиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга онгли равишда муносабатда бўлиши, иқтисодий тафаккур ва кўникмаларнинг ривожланишига боғлиқ”.²⁶⁵ Фуқаролар қанчалик юқори иқтисодий фаоллик ва молиявий саводхонликка эга бўлса, уларнинг иқтисодий фаолияти, ҳаётнинг турли жабҳаларида қабул қилаётган қарорлари шу даражада самарали бўлади. Молиявий саводхонлик мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайишига қулай имкон яратади.

Шу ўринда Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тини молиявий саводхонликкиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”²⁶⁶ дея таъкидлаши аҳоли орасида тадбиркорлик фаолиятини кенг тарғиб этиш, ҳар бир фуқаронинг бу борадаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнлари янада илдамрок тус олмоқда, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тартибга солишда бозор механизмларидан фойдаланиш салмоғи сезиларли равишда ортиб бормоқда.

²⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 йил <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

²⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 йил <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Иқтисодий ресурслардан фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби муҳим жиҳатларга кўпроқ моддий манфаатдорлик, рағбатлантириш, иқтисодий дастакларни ишга тушириш орқали ёндошилмоқда. Буларнинг барчаси эса ўз навбатида иқтисодиётимизнинг демократик бозор тамойиллари асосида қайта таркиб топишига замин яратмоқда.

Иқтисодий маданиятнинг етарли даражада шаклланиши ва самарали амал қилиши эса ҳар бир шахснинг молиявий саводхонлик даражасини тақозо этади. Ҳозирда жаҳоннинг аксарият мамлакатларида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда аҳоли молиявий саводхонлигини оширишни таъминлаш муҳим бўлиб, бу борадаги авало мазкур масаланинг иқтисодий мазмуни ва иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрнини кўриб чиқиш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили молиявий саводхонлик ва уни таъминлаш масалаларига хорижий олим ва мутахассислар томонидан кенг эътибор қаратилган. Мазкур молиявий саводхонлик тушунчаси таърифига тўхталиб ўтиладиган бўлса, ижтимоий луғат ва талқинларда унга қуйидагича ёндошилган:

“бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, аҳоли молиявий саводхонлиги – аҳолининг молиявий хулқ-атвори соҳасидаги унинг фаровонлигини таъминлаш ва ҳаёт тарзи самарасини оширишга олиб келувчи тушунчадир; ҳаётдаги воқеалар ва иқтисодий шарт-шароитлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатли қарорлар ва узоқ муддатли молиявий режалаштириш орқали шахсий молияни бошқаришдаги қобилият ва қатъийликни, асосий молиявий тушунчаларни англаб етишни ифодаловчи даража”.²⁶⁷

А.Судакованинг таъкидлашича “Ҳозирги вақтда молиявий саводхонлик тушунчаси молиявий маълумот, компетентлик, хабардорлик ва бошқа атамалар билан узвий боғлиқ. молиявий саводхонликнинг кўрсатиб ўтилган тушунчалар билан асосий фарқи унга тегишли бўлган асосий элементларнинг татбиқ этилиш

267 <https://huquqiportal.uz/news/2020/11/11/iqtisodiy-hamkorlik-va-ri-vojlanish-tashkiloti-vakili-u-tompson-bilan-hamkorlik-istiqbollari-muhokama-qildi/837>

кенглиги ва баён этилишининг чуқурлигида намоён бўлади.²⁶⁸

Фуқоронинг молиявий саводхонлиги тушунчасини ўз фаровонлигини ошириш учун молиявий жиҳатдан асосланган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи компетенциялар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. Айни вақтда у устун равишда молиявий ва вақт бўйича йўқотишларни энг кам даражага туширишга имкон яратади”. Мазкур тушунчалар О.Кузина томонидан нисбатан батафсил ва етарли даражада тушунарли ҳолда баён этилган. шунингдек, С.Хастон томонидан молиявий саводхонликка тегишли 52 та маълумотлар базасида тўпланган 71 та таҳлил асосида айрим дастлабки таърифлар белгилаб берилган.²⁶⁹

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳужжатларида молиявий саводхонликка қуйидагича таърифлар берилган: “молиявий саводхонлик-бу шахсий молиявий фаровонликка эришиш учун асосли молиявий қарорлар қабул қилиш имконини берувчи хабардорлик, билим, кўникма, кадриятлар ва хулқ-атвор каби элементларнинг мажмуи”.²⁷⁰

Е.Гарцуеванинг таъкидлашича, молиявий саводхонлик “инсоннинг ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда инвестор сифатида онгли иштирок эта олиш қобилияти бўлиб, у молиявий дастакларни танлашга оқилона ва масъулиятли ёндашган ҳолатда даромад ҳосил қилиши ёки ҳеч бўлмаганда билим эгасининг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаши лозим”.²⁷¹

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, молиявий саводхонлик-ўз маблағини бошқариш ва уни кўпайтириш маҳорати. У молиявий бозорнинг ўзига хосликларини билиш, бозор иштирокчилари томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлардан хабардор бўлиш ҳамда шу асосда қабул қилинган қарор

²⁶⁸ Судакова А.Е. Финансовая грамотность: теоретическое осмысление и практическое исследование // финансы и кредит, 2017, т. 23, вып. 26, стр. 1563–1582.

²⁶⁹ Кузина О. Финансовая грамотность и финансовая компетентность: определение, методики измерения и результаты анализа в России // Вопросы экономики. 2015. № 8. С. 129-148.

²⁷⁰ <https://huquqiportal.uz/news/2020/11/11/iqtisodiy-hamkorlik-va-rivojlanish-tashkiloti-vakili-u-tompson-bilan-hamkorlik-istiqbollari-muhokama-qildi/837>

²⁷¹ Гарцуева Е.В. Финансовая грамотность индивида – условие его успехов в рыночной экономике // Вестник ТоМолиявий саводхонлиққо государственного университета. Экономика. 2017. № 38. С. 91-105.

масъулиятини зиммасига олиш деганидир.

Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, молиявий саводхонликка берилган хилма-хил таърифлар ҳамда унинг турли манбаларда баён этилган асосий жиҳатларига тизимли ёндошган ҳолда, мазкур тушунчанинг иқтисодий мазмуни ва унинг иқтисодиётдаги аҳамиятини янада чуқурроқ очиб берувчи таҳлил ва тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб иқтисодий йўналишдаги турли манбалардан олинган илмий мақолалар, хорижий иқтисодчи олимларнинг аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш масалалари бўйича изланишлари, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида чиқарилган илмий хулосалар хизмат қилди.

Тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлиллар ҳамда улар орқали қўлга киритилган натижаларга кўра қатор назарий қоидалар илгари сурилди.

Ушбу тушунча молия соҳасида аҳолининг билим ва тушунчаларга эга бўлиш, у билан боғлиқ ҳолатларни тўғри тушунишни англатади. Бироқ, фикримизча, мазкур тарздаги дастлабки тасаввур даражасида қолиш молиявий саводхонликнинг тўлиқ мазмунини ёритиб бера олмайди. Шунга кўра, ушбу тушунча билан боғлиқ асосий жиҳатларни муайян тизим асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.²⁷²

Молиявий саводхонлик тушунчаси жуда кенг ҳисобланади. У аҳолининг кундалик ҳаётдаги оддий иқтисодий воқеа ва жараёнлар (масалан, озиқ-овқат ва уй-рўзғор буюмларини харид қилиш, турли ресурслар (электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви) ва коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш, хусусий ёки давлат секторида меҳнатда банд бўлиш, иш ҳақи ёки нафақа олиш ва ҳ.к.)дан тортиб нисбатан мураккаб жараёнлар (масалан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш, қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқалар)да иштирок этишигача

272 Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. *Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration*. 2018. Т. 7. № 1(22).

бўлган жиҳатларни қамраб олади.²⁷³

Мамлакатда аҳоли молиявий саводхонлиги даражасининг юқори бўлиши молиявий хизматлар соҳасининг ҳам жадал ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилдир. Молиявий хизматларни оммалаштириш орқали аҳолининг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш ва кичик бизнес субъектларининг бундай хизматларга бўлган талабини ошириш имкони юзага келади.²⁷⁴

Бугунги кунда мамлакатимизда ишсизлик даражасининг юқори бўлиши сабабларидан бири “аҳолининг кўп қисми жамғармалар соҳасида, жумладан, шакилланган маблағларини ишлатилиши, улардан фойдаланиш ва оддий молиявий ҳисоботлари юритиш бўйича етарлича билим ва кўникмаларга эга эмас”²⁷⁵ лиги орқали ҳам номоён бўлмоқда.

Молиявий саводхонликнинг асосий, марказий бўғинида инсон туради. чунки, мазкур жараённи амалга оширишдан асосий мақсад ҳам унинг фаровонлиги ва ҳаёт сифатини ошириш ҳисобланади. Бироқ бунинг учун у ўз ихтиёридаги иқтисодий ресурслардан, рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисалар, вужудга келиши мумкин бўлган шарт-шароитлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Аҳоли молиявий саводхонлигининг ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. “Аҳолининг молиявий жиҳатдан саводсизлиги нафақат шахсий фаровонликка, балки бутун молиявий соҳага салбий таъсир кўрсатади. Масалан, фуқароларнинг ўз даромадлари ва харажатларини аниқ тасаввур қилмаслиги ёки нотўғри режалаштириши оқибатида кредиторлик қарздорлик пайдо бўлади, саводсизлик молиявий пирамидалар ва фирибгарликлар сонининг ошишига олиб келади. Глобал миқёсда бу мамлакат иқтисодиётини молиявий инқирозга олиб

273 Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. *Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration*. 2018. Т. 7. № 1(22).

274 Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. *Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration*. 2018. Т. 7. № 1(22).

275 Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. *Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration*. 2018. Т. 7. № 1(22).

келиши мумкин”.²⁷⁶

Р.Восканяннинг таъкидлашича, аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш масаласини унинг даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни аниқламасдан туриб ҳал этиб бўлмайди деб таъриф берган.²⁷⁷

1) мамлакатдаги иқтисодий таълим даражаси; 2) молиявий инфратузилманинг мавжудлиги ва ривожланганлик даражаси; 3) аҳолининг иқтисодиётга ишончи даражаси; 4) молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари.²⁷⁸

Фикримизча, аҳоли молиявий саводхонлиги тушунчаси ўта даражада умумлаштирилган мазмун касб этиб, уни молиявий саводхонлик даражасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг юқорида келтирилган таснифи тўлиқ ифодамайди. Унинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб бориш ўз навбатида мазкур тушунчанинг турли даражаларини табақалаштиришни тақозо этади (12-расм).



²⁷⁶ молиявий саводхонлик ўзи нима, у нима учун долзарб? <https://bankers.uz/never-stop-learning>

²⁷⁷ Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration. 2018. Т. 7. № 1(22).

²⁷⁸ Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration. 2018. Т. 7. № 1(22).

12-расм. Мақсадли жамғармаларни ўрганишда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг турли даражалар бўйича табақаланиши ²⁷⁹

12-расмдан энг аввало алоҳида шахснинг молиявий саводхонлигини ажратиб олиш лозим.

Алоҳида шахснинг молиявий саводхонлиги даражасига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади:

1) шахснинг ёши, тўғрироғи унинг ҳаётий фаолияти давомида орттирган тажрибаси молиявий саводхонлик доирасидаги билим ва кўникмаларга бевосита таъсир кўрсатади. балоғатга етмаган бола билан ўрта ёшдаги кишининг иқтисодий ҳатти-ҳаракатида сезиларли тафовут кўзга ташланиши аниқ. бироқ, бу омил ҳар доим ҳам бир хил йўналишда таъсир қилмаслиги мумкин. чунки, инсоннинг ёши улғайиб боргани сари унинг молиявий саводхонлик борасидаги янгиликларни қабул қилиш, уларни ўзлаштириб бориш имконияти пасайиб боради;²⁸⁰

2) маълумот даражаси, бу ҳам шахснинг ёши сингари таъсир кўрсатиши, яъни, бошланғич, ўрта, ўрта махсус, олий маълумотлар бўйича босқичма-босқич юқорилаб бориш молиявий саводхонликнинг ошиб боришига бевосита таъсир кўрсатади;²⁸¹

3) касби, мутахассислиги ёки фаолият йўналиши. Мазкур омил ўзининг аҳамиятлилиги жиҳатидан ажралиб туради. Чунки, бевосита иқтисодий, шу жумладан, молиявий соҳада фаолият юритувчи (масалан, молиячи, банкир, иқтисодчи, бухгалтер ва ҳ.к.) шахсларнинг молиявий саводхонлиги юқорироқ даражада бўлади. Касб ёки фаолият йўналиши жиҳатидан иқтисодиётдан нисбатан узоқ бўлган шахсларнинг молиявий саводхонлиги даражаси пастроқ бўлиши эҳтимоли юқорироқдир;²⁸²

²⁷⁹ Улуғмуродов Д. молиявий саводхонлик нима? - <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyavij-savodkhonlik-nima>.

²⁸⁰ Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration. 2018. Т. 7. № 1(22).

²⁸¹ Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration. 2018. Т. 7. № 1(22).

²⁸² Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration. 2018. Т. 7. № 1(22).

4) иқтисодий фаоллик даражаси. Юқоридаги омилларнинг ўртача даражасида инсоннинг иқтисодий фаоллигини белгиловчи аҳамият касб этиши мумкин. Агар унда тадбиркорлик билан шуғулланиш, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги янгиликларга интилиш каби ташаббуслар мавжуд бўлса, яъни иқтисодий фаол бўлса, молиявий саводхонлик даражаси ҳам юқори бўлади ва аксинча;²⁸³

5) фуқоронинг қизиқиш доираси, дунёқарашининг кенглиги ва ҳ.к. шунингдек, оддий шахснинг қизиқиш доираси, ўзининг дунёқарашини ўстириш борасидаги ҳаракатлари ҳам молиявий саводхонлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Кундалик иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни ўз вақтида кузатиб, ўрганиб, таҳлил қилиб ва бу борадаги шахсий муносабатини шакллантириб бориш шахсни жамиятдаги ролини оширади.²⁸⁴

Муайян ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман) аҳолисининг молиявий саводхонлиги даражасига мазкур ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, ҳамда унда юритилаётган иқтисодий сиёсат натижасида шаклланувчи қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:
285

1) ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси. Айрим ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланганлиги унинг аҳолиси учун нисбатан кам ривожланган ҳудуд аҳолисига қараганда молиявий саводхонликни ошириш юзасидан кенг имкониятлар тақдим этади;²⁸⁶

2) ҳудудда аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар. Айни пайтда айрим ҳудудлар даражасида аҳоли

²⁸³ Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. *Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration*. 2018. Т. 7. № 1(22).

²⁸⁴ Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. *Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration*. 2018. Т. 7. № 1(22).

²⁸⁵ Улуғмуродов Д. молиявий саводхонлик нима? - <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyavij-savodkhonlik-nima>.

²⁸⁶ Улуғмуродов Д. молиявий саводхонлик нима? - <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyavij-savodkhonlik-nima>.

молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тизимли чора тадбирларнинг амалга оширилиши мазкур жараёнга сезиларли таъсир кўрсатади;²⁸⁷

3) молиявий институтлар ва инфратузилма объектлари фаолият даражаси. Худуддаги молиявий институтлар ва молиявий саводхонлик инфратузилма объектлари (иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш, бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари ва бошқ.) фаолиятининг юқори даражаси худуд аҳолисининг молиявий саводхонлиги даражасига катта таъсир кўрсатади;²⁸⁸

4) худуднинг географик жойлашуви. Ўз-ўзидан маълумки худуд мамлакатнинг иқтисодий ва маъмурий марказига қанчалик яқин бўлса, унинг аҳолиси шу қадар кўпроқ молиявий жиҳатдан саводхонликка эришади. Табиийки, олис ва чекка қишлоқлар, тоғли худудлардаги аҳолининг бу борадаги кўрсаткичлари у қадар юқори бўлмайди;

Мамлакат аҳолисининг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар молиявий саводхонлиги даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси. Ижтимоий иқтисодий ривожланганлик аҳолининг маълумот, соғлиқ ва иш билан бандлик даражаларининг йиғиндиси ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу таркибий қисмлар қанчалик яхши кўрсаткичларни намоён этса, мамлакат аҳолисининг молиявий саводхонлиги даражаси ҳам шунчалик ижобий кўрсаткичга эга бўлади;

2) мамлакатнинг иқтисодий салоҳият—бу мамлакатдаги мавжуд, бироқ ҳали тўлиқ ишга туширилмаган иқтисодий ресурслар ва имкониятларидир. Бироқ, ҳали ишга туширилмаганлигига қарамасдан, мазкур иқтисодий ресурс ва имкониятлар мамлакат аҳолисида ўзига нисбатан қизиқиш ҳосил қилади. Шунга кўра, ушбу салоҳиятдан фойдаланишга интилиш аҳолининг молиявий саводхонлиги

²⁸⁷ Улуғмуродов Д. молиявий саводхонлик нима? - <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyavij-savodkhonlik-nima>.

²⁸⁸ Улуғмуродов Д. молиявий саводхонлик нима? - <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyavij-savodkhonlik-nima>.

даражасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин;

3) аҳоли менталитети яъни, ақлий, ҳиссий, маданий хусусиятлари ҳамда кадриятлари мажмуи ҳам молиявий саводхонлик даражасининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Айрим халқлар ўз табиатига кўра таълим ва маданиятга, янгиликка интилувчан бўлиб, уларнинг хатти-ҳаракатида молиявий билим ва кўникмаларни мунтазам ошириб бориш асосий ўрин тутди. Шу билан бир вақтда аҳоли менталитетида мазкур масалаларга зид келувчи жиҳатлар мавжуд бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради;

4) мамлакатнинг иқтисодий сиёсати бунёдкорлик, юксалиш ва тараққиёт сари йўналтирилган бўлса, мазкур мақсадларга эришишнинг асосий шarti – аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасига ҳам катта эътибор қаратилади.

бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар молиявий саводхонлиги мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бирок, бу мазкур муаммо ривожланган мамлакатларда тугал ҳал этилган деган маънони англатмайди.

Ҳозирда аҳолининг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар молиявий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 2014 йил 11 июлдаги 190-сон қарорига мувофиқ “аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш” лойиҳаси,²⁸⁹ Савдо-саноат палатаси Жаҳон Банки Гуруҳи молиялар ва бозорлар бўйича департаментининг Марказий Осиё ва Озарбайжонда молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаш бўйича лойиҳаси (АСАФИ) ҳамкорлигида ССП тренерлари ва ходимларининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича дастур, 2018 йилдан бошлаб Марказий банки, Халқаро молия корпорацияси, Савдо-саноат палатаси ва «Norma» профессионал ривожланиш маркази томонидан «Тадбиркорлар ва аҳолининг молиявий

²⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги 190-сонли қарори “Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш”

саводхонлигини ошириш» дастури йўлга қўйилган.²⁹⁰

2018 йил 17 августда Марказий банки Бошқаруви Молиявий оммабоплик альянсига (Alliance for Financial Inclusion) аъзо бўлиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур альянс 2008 йили аъзо мамлакатларга молиявий оммабоплик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тажриба алмашиш учун майдон яратишорқали банк хизматларининг долзарб масалалари бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этиш ва ўқитиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кичик бизнесни молиялаштиришда кўмак бериш мақсадида ташкил этилган.

Аҳоли бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар молиявий саводхонлиги жамиятдаги ҳар бир шахснинг иқтисодий билим, малака ва кўникмалар, кадриятларни етарли даражада эгаллаши ҳамда ўз фаровонлигини таъминлаш имконини берувчи иқтисодий қарорларни қабул қилишда уларга асосланган ҳолда тўғри ёндашувини таъминловчи сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Аҳоли бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар молиявий саводхонлиги даражаси қанчалик юқори бўлса, асосан инсонлар, у истиқомат яшаётган ҳудуд, қолаверса, бутун мамлакат иқтисодиётда барқарорлик ва фаровонлик юксалиши шу қадар юқори бўлади.

Аҳоли бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар молиявий саводхонлиги даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар турли-туман бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратиш орқали тегишли чора тadbирларнинг ишлаб чиқиши мазкур кўрсаткичнинг самарадорлигини таъминлайди.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси аҳоли молиявий саводхонлик даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, бу ривожланган мамлакатларда мазкур соҳада ҳеч қандай муаммо мавжуд эмас, деган маънони

²⁹⁰https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/tadbirkorlar_va_aholining_moliyaviy_savodhonligini_oshirish_dasturi_ishga_tushirildi Марказий банк, Халқаро молия корпорацияси, Савдо-саноат палатаси ва «Norma» профессионал ривожланиш маркази «Тadbиркорлар ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш» дастурини амалга ошира бошлади.

англатмайди. Шунга кўра, ривожланганлик даражасидан қатъий назар, ҳар бир ҳудуд ўз иқтисодиёти ва аҳоли менталитети хусусиятларидан келиб чиқиб аҳоли молиявий саводхонлик даражасини ошириш юзасидан мунтазам ва тизимли тушунчалар олиб бориши муҳим ҳисобланади.

3.2. Давлат мақсадли жамғармалар фаолиятини шаффофлигини таъминлаш орқали улар фаолиятини такомиллаштириш йўллари

Миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт шароитлар яратиш, инвестиция лойиҳаларининг молиявий иқтисодий самарадорлигини баҳолашда давлат ва яқка тартибда ёндашувни таъминлаш, бюрократизм, расмиятчилик ва сансоларлик фактларига қатъиян чек қўйиш, экспертиза натижалари учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида сўнги йилларда бир қанча Қарор ва Фармонлари қабул қилинди. Жумладан:

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Мамлакатни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”²⁹¹ 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”²⁹² 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”²⁹³ ПФ-5635-сонли Фармонлари,²⁹³ 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли²⁹⁴ “Мамлакатни ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”²⁹⁴ қарорлари қабул

²⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”

²⁹² 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”

²⁹³ 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”²⁹³ ПФ-5635-сонли Фармон

²⁹⁴ 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли²⁹⁴ “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”

қилинган.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланган жамғарма фаолияти максимал шаффофлигини таъминлашда қатор муаммолар мавжудлиги жамғарманинг инвестицион фаоллашувиغا, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.



13-расм. 2021 йил учун Давлатнинг консолидациялашган бюджети.²⁹⁵

Бугунги кунда мамлакатимизда айрим маълумотларни расман чоп этиш бўйича чекловларни олиб ташлаш шарт ҳисобланади. Бунда мамлакатдаги

295 Ўзбекистон Республикасининг қонуни тошкент ш., 2020 йил 25 декабрь, ўрқ-657-сон 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга асосан маллиф томонидан тайёрланган. <https://lex.uz/docs/5186044?query>

бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар хусусан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Қуйидаги маълумотларда ҳам бюджетдан ташқари фондлар хусусан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг давлат консолидациялашган бюджет таркибидаги улуши сезиларли даражада ўзгарганлигини кўриш мумкин.

7-жадвал

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2022-2023 йилларга бюджет мўлжаллари²⁹⁶ (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
		2022 йил	2023 йил
Консолидациялашган бюджет даромадлари	178 712,4	208 371,3	238 954,0
Давлат бюджети даромадлари	147 202,3	173 550,2	200 708,6
Давлат Мақсадли Жамғармалари даромадлари	26 173,9	28 251,7	30 544,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	5 336,2	6 569,4	7 700,8
Консолидациялашган бюджет харажатлари	216 246,6	231 338,9	258 096,0
Давлат бюджети харажатлари	149 950,5	163 780,4	183 675,0
Давлат Мақсадли Жамғармалари харажатлари	40 772,5	46 709,1	51 720,2
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	13 423,6	6 569,4	7 700,8
Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	12 100,0	14 280,0	15 000,0
давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	15 928,9	17 930,2	21 097,2
Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)	-37 534,2	-22 967,6	-19 142,1
Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит-)	-17 346,8	-8 687,6	-4 142,1
Давлат қарзларини сўндириш	7 767,7	10 316,8	12 478,2

Бугунги кунда консолидациялашган бюджет даромадлари ва харажатлари ҳақли равишда учта асосий йўналишга бўлинган бўлиб булар Республика

²⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2021 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда маъқулланган тошкент ш., 2020 йил 25 декабрь, ўрқ-657-сон <https://lex.uz/docs/5186044>

бюджети, маҳаллий бюджетлар ва мақсадли жамғармалар бюджетларидан иборат тарзда шакиллантирилиб келинган.

2021 йил консолидациялашган бюджетининг даромадлари 178712.4 млрд. сўм бўлса шундан мақсадли жамғармалар бюджети даромади 31510.1 млрд. сўм ёки консолидациялашагн бюджетнинг 17.6 фоизини ташкил этган.²⁹⁷

2021 йил консолидациялашган бюджетнинг харажатлари 216246.6 млрд. сўм бўлса шундан мақсадли жамғармалар бюджети харажатлари 54196.1 млрд. сўм ёки консолидациялашагн бюджетнинг 25.0 фоизини ташкил этган. Ёки мақсадли жамғармалар бюджетининг нафақат консолидациялашган бюджет таркибидаги улуши катталиги, бундан мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий йўналишида ҳамда аҳолига яратиладиган имкониятларда мақсадли жамғармаларнинг аҳамияти катта эканлигини англаш мумкин. Натижада 15928.9 млрд. сўм ёки мақсадли жамғармаларнинг 29.4 фоиз харажатлари давлат бюджетидан трансфертлар сифатида қоплаб берилмоқда. (8-жадвал)

8-жадвал

2021 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда харажатлари (млн.сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдик	Даромадлар прогнози	Давлат бюджетидан трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдик
I.	Жами — давлат мақсадли жамғармалари	3 757 759,0	26 173 898,6	15 918 435,7	40 761 950,3	5 088 143,0
1.	Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг «Эл-юрт умиди» жамғармаси	1 500,0	180,0	142 500,0	142 680,0	1 500,0
2.	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма			150 000,0	150 000,0	
3.	бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	2 400 000,0	23 470 000,0	14 700 000,0	36 487 000,0	4 083 000,0
4.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	4 000,0	285 000,0	197 000,0	479 000,0	7 000,0

²⁹⁷ Ўзбекистон Республикасининг қонуни тошкент ш., 2020 йил 25 декабрь, ўрқ-657-сон 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга асосан маллиф томонидан тайёрланган. <https://lex.uz/docs/5186044?query>

5.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	87 200,0	51 000,0		67 700,0	70 500,0
6.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси	70 000,0	100,0	250 000,0	300 100,0	20 000,0
7.	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	932 100,0	170 000,0	200 000,0	814 100,0	488 000,0
8.	Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	28 000,0	150 000,0		150 000,0	28 000,0
9.	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	6 500,0	81 500,0	87 500,0	175 500,0	
10.	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси		620 290,0		620 290,0	
11.	Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	163 138,0	206 400,6	71 435,7	146 752,3	294 222,0
12.	Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси		67 518,0		67 518,0	
13.	Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		210,0		210,0	
14.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси		74 400,0		73 400,0	1 000,0
15.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси		45 800,0	80 000,0	125 800,0	
16.	Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	63 000,0	170 000,0	40 000,0	180 000,0	93 000,0
17.	«Ўзбекбаликсаноат» уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2 321,0	1 500,0		1 900,0	1 921,0
18.	Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича қафолат жамғармаси		780 000,0		780 000,0	
II.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси		5 336 230,6		19 793 631,0	

Мақсадли жамғармалар фаолият самарадорлигини кўрсатувчи мезонларидан бири фондлар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни жуда кўп иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишларида баён қилганлар. Булардан

россиялик иқтисодчи К.Пупынин ўзининг илмий изланишларида, мақсадли жамғармалар фаолиятининг шаффофлик масаласини биринчи ўринга кўтариб, фонд фаолияти шаффофлигини таъминлашнинг фонд ривожланишига тўсик бўлувчи муаммо сифатида эътироф этган.²⁹⁸

Яна бир Россиялик иқтисодчи Е.Васин мақсадли жамғармалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини 7 та гуруҳга ажратган ҳолда мақсадли жамғармалар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни асосий мезон сифатида қайд этиб ўтган.²⁹⁹

Халқаро валюта фонди томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан мақсадли жамғармалар фаолияти максимал шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб Сантьяго принциплари ишлаб чиқилган.³⁰⁰

Шаффофлик принциплари бу-иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ва бозор энди шаклланаётган мамлакатлар мақсадли жамғармалари бошқарувчиларининг фондлар фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминлайдиган комплексли асослар яратиш бўйича ҳаракатлари натижасидир дея таъриф берилган.³⁰¹

Суверен фондлари институти ходимлари-Карл Линабург ва Майкл Мадзуэлл томонидан мақсадли жамғармалар фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш учун Линабург-Мадзуэлл транспарентлик индекси ишлаб чиқилган.³⁰²

Тадқиқотнинг асосий мақсади-мақсадли жамғармалар фаолият самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланган максимал

²⁹⁸ Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс.кан. экон.наук. москва, 24 с. (Pupynin K.N. (2011) Application of foreign experience of functioning of sovereign investment funds for the Reserve Fund and the National Welfare Fund of the Russian Federation. Abstract of thesis.dissertation.economic sciences.Moscow, 24 p.)

²⁹⁹ Васин Е.А. (2015) Повышение эффективности управления суверенными фондами в Российской Федерации. Автореф. дисс. кан. экон.наук. Москва, 28 с. (Vasin E.A. (2015) Improving the efficiency of management of sovereign wealth funds in the Russian Federation. Abstract of thesis. diss. can. economic sciences. Moscow, 28 p.)

³⁰⁰ Sovereign Wealth Funds: Generally Accepted Principles and Practices (Santiago Principles) / International Working Group of Sovereign Wealth Funds. — 2008. <http://www.iwg-swf.org/pubs/eng/santiagoprinciples>.

³⁰¹ Sovereign Wealth Funds: Generally Accepted Principles and Practices (Santiago Principles) / International Working Group of Sovereign Wealth Funds. — 2008. <http://www.iwg-swf.org/pubs/eng/santiagoprinciples>.

³⁰² Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. – 2013. – 23 марта

шаффофликни таъминлаш мезонини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлаш Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлаш бўйича хулосалар қилиниб, жамғарма фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга оид илмий-амалий таклифлар берилди.

Мақсадли жамғармалар шаффофлигини таъминлашнинг зарурати бир томондан мақсадли жамғармалар маблағлари шаклланиши билан изоҳланса, иккинчи томондан фонд маблағларидан самарали фойдаланиши билан изоҳланади. Жаҳон амалиётидан кўришимиз мумкинки аксарият мамлакатларда мақсадли жамғармалар даромадлари стратегик маҳсулотлар экспортидан тушадиган маблағлар ва олтин валюта захиралари асосида шаклланади. Бу маблағлар манбаларида нафақат бугун, балки келажак авлодларнинг хиссаси борлиги шаффоф бошқарувнинг зарурлигини кўрсатади.³⁰³

Мақсадли жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш, маблағлар мақсадлилиги, манзиллилигини таъминлашда, фонд маблағларини талон-тарожликка йўл қўймасликка фонд фаолияти шаффофлиги муҳим омил саналади. Жаҳон амалиётида мақсадли жамғармалар фаолияти самарадорлигини баҳолашда максимал шаффофликни таъминлаш мезони асосий мезонлардан ҳисобланиб, уни аниқлашнинг икки хил усули кенг тарқалган.³⁰⁴

Биринчи усул мақсадли жамғармалар фаолияти транспарентлиги ёки ахборот шаффофлиги даражаси тушунарли кўрсаткичи сифатида, суверен фондлари институти ходимлари Карл Линабург ва Майкл Мадуэлл томонидан ишлаб чиқилган “Линабург-Мадуэлл” транспарентлик индекси.³⁰⁵ “Линабург-Мадуэлл” транспарентлик индекси ўз ичига 10 та кўрсаткични олиб, ҳар бир бажарилган кўрсаткичга 1 балл қўшиш принципи асосида баҳоланади. Бу

³⁰³ Sovereign Wealth Funds: Generally Accepted Principles and Practices (Santiago Principles) / International Working Group of Sovereign Wealth Funds. — 2008. <http://www.iwg-swf.org/pubs/eng/santiagoprinciples>.

³⁰⁴ Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. — 2013. — 23 марта

³⁰⁵ Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. — 2013. — 23 марта

кўрсаткичларни қуйидагилардан иборат.³⁰⁶

- жамғармалар фаолияти тарихи, ташкил топиш сабаблари, молиявий маблағлари шакллантириш манбалари, давлат мулки таркибини тақдим этиши

- жамғарма йиллик ҳисоботларининг мустақил аудиторлик текширувларини амалга оширилиш натижаларини шакиллантирилиши

- жамғарманинг холдинг компаниялар мулкидаги улуши ва холдинг компанияларнинг географик жойлашуви тўғрисидаги маълумотни акс этиш

- жамғарма инвестицион портфелининг бозор қиймати, фонд даромадлилиги, риси, шунингдек фонд бошқарув харажатлари тўғрисидаги маълумотларни шакиллантирилиши

- жамғарма инвестициялашнинг этика меъёрларига риоя қилиш мажбурияти билан инвестиция сиёсатини амалга оширилганлиги даражаси

- жамғарма фаолияти аниқ мақсадлар ва стратегиялар бўйича иш олиб боришлиги

- жамғарманинг шўъба корхона ташкилотлари ва уларнинг боғланиш маълумотларини тақдим этиши (агар мавжуд бўлса)

- жамғарманинг маблағларини бошқарувчи ташқи бошқарувчиларнинг мавжудлиги (агар мавжуд бўлса)


- жамғарманинг ўз веб сайтыга эгаллиги ва унинг барча учун очиқлиги

- жамғарма бошқарув офисининг манзилини ва боғланиш маълумотларини тақдим этиши.

Мақсадли жамғармалар фаолияти транспарентлиги кўрсаткичлари:

Транспарентлик индекси бўйича юқори кўрсаткичга яъни 10 балга эга мақсадли жамғармалар Норвегия, Янги Зеландия, Чили, Сингапур ва бошқа мамлакатлар хиссасига тўғри келади. Мақсадли жамғармаларга эга мамлакатларнинг транспарентлик индекси бўйича кўрсаткичларини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин бўлади (**14-расм**).

³⁰⁶ Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. – 2013. – 23 марта



14-расм. Мақсадли жамғармаларга эга баъзи мамлакатларнинг Линабург Мадзуэлл транспарентлик индекси бўйича кўрсаткичлари ³⁰⁷

Юқоридаги расмни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади.

Биринчидан, Даромадлар шаклланиш манбалари ресурс реализациясига боғлиқ бўлмаган мақсадли жамғармалар даромад манбалари асосан табиий ресурслар экспортдан шакланган фондларга нисбатан очиқ, аксинча ресурс реализациясига боғлиқ бўлган фондлар боғлиқ бўлмаган фондларга нисбатан ёпиқ яъни ошқоралиги паст даражада эканлиги билан таърифланса. ³⁰⁸

Иккинчидан, мақсадли жамғармаларнинг шаффофлиги географик жиҳатларга эга. Одатда, Европа, Америка, Австралия мақсадли жамғармалари нисбатан очиқ. Буларга Озарбайжон нефт фондини, Норвегия глобал фондини, Австралиянинг келажак фонди ва бошқаларни киритиш лозим. Яқин шарқ мамлакатлари, Осиё ва Африка мамлакатларидаги мақсадли жамғармалар ёпиқ ҳисобланади. Бунга Венесуела макроиқтисодий барқарорлик фонди, Брунейнинг

³⁰⁷ Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. – 2013. – 23 марта.

³⁰⁸ Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. – 2013. – 23 марта.

инвестиция агентлигини, Уммон давлат резерв фонди ва бошқаларни киритишимиз мумкин.³⁰⁹

Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларидаги мақсадли жамғармалар фаолияти бўйича ҳам транспарентлик индекси аниқланмаган. Мақсадли фонд молиявий маблағлари ҳам ашё экспортига боғлиқ бўлган мамлакатлар мақсадли жамғармалари фаолият шаффофлиги индексига қарасак, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Қатар, Эрон, Қувайт ва Россияда бу кўрсаткич 5 баллга тенглигини кўришимиз мумкин.³¹⁰

